БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 224 (971)

11 НОЯБРЬ ДУШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Совет Иттифоқи халқлари бутун прогрессив инсоният билан биргаликда Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини зўр тантана ва қувонч билан байрам қилдилар.

Байрам Ватанимизнинг қудратини, СССР халқларининг бузилмас дўстлигини, социализм ва коммунизм қурилишидаги барча ғалабаларнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси шонли Коммунистик партияга совет кишиларининг чуқур ва чексиз муҳаббатини ифодаловчи қудратли намойишга айланди.

МОСКВАДА ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ НАМОЙИШИ

Улуғ Октябрнинг қирқ йиллиги! Шонли, тарихий кун!

Еттинчи ноябрь — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллиги кунида — Совет Иттифоқининг пойтахти Москва айниқса гўзал эди. Катта байрам ҳар бир уйга, ҳар бир оилага келди.

Байрам тантаналарининг маркази—Қизил майдонда. Шу ноябрь эртасида ҳамманинг фикр-зикри — тинчликни, озодликни, демократия ва тараққиётни қадрлайдиган ҳамманинг фикри-зикри Қизил майдонга қаратилган эди.

Қадимий Қизил майдон қизил алвонлар, гул шодалари билан безатилган. ГУМ тепасида Коммунистик партиянинг ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси Владимир Ильич Ленининг катта портрети байроқлар билан ва олтин бошоқлар билан ўраб олинган. Портрет тагида «Коммунизм ғалабаси сари, олға!» шиори ёзилган. ГУМнинг чап ва ўнг томонида Совет мамлакатининг босиб ўтган йўлини нишонлайдиган «1917» ва «1957» рақамлари ярқираб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг Чақириқлари порлайди.

Гранит трибуналарда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, СССР Олий Совети депутатлари — СССР Олий Советининг бундан олдинги кунда бўлиб ўтган юбилей сессиясининг қатнашчилари, РСФСР ва бошқа иттифоқчи республикалар Олий Советларининг депутатлари, министрлар, жамоат арбоблари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Ленин мукофоти лауреатлари, ишчилар, колхозчилар, олимлар, ёзувчилар, рассомлар турибди. Ҳозир бўлган кишилар большевиклар кекса гвардиясининг намояндаларини—1905 йилги революция ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси қатнашчиларини, бундан қирқ йил муқаддам қўлга қурол олиб озодликни қўлга киритган кишиларни самимий кутиб олдилар.

Қизил майдонда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг, жамоат ташкилотларининг таклифига мувофиқ байрамда қатнашиш учун жаҳоннинг ҳамма қисмларидан совет халқига меҳмон бўлиб келган кишилар бор. Хитой Халқ Республикаси ва бошқа социалистик мамлакатларнинг делегациялари ҳозир бўлдилар. Бу ерда кўпгина чет мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларининг делегациялари ҳам бор.

Совет халқининг байрамига ишчилар ҳаракати ветеранлари ҳам келдилар. Улардан кўплари Улуғ Октябрь идеяларининг тантанаси учун олиб борилган курашда шахсан актив қатнашганлар. Қизил майдонда чет эл меҳнаткашларининг ва касаба союзларининг, маданият арбобларининг, олимларнинг, Совет Иттифоқи билан дўстлик ва маданий алоқа жамиятларининг, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг, Жаҳон Касаба Союзлари Федерациясининг, Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг, Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг делегациялари ҳозир бўлди.

Ҳозир бўлганлар орасида СССРдаги элчихона ва миссияларнинг бошлиқлари, чет давлатларнинг ҳарбий ва ҳарбий-денгиз атташелари бор эди.

Гранит трибуналар бўйлаб гулдурос қарсаклар эшитилади. А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, Л. И. Брежнев, Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, А. Н. Косигин, М. Г. Первухин ўртоқлар Мавзолейнинг марказий трибунасига чиқадилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати раҳбарлари билан бирга чет эл делегацияларининг раҳбарлари ва аъзолари Мао Цзэ-дун, Сун Цин Лин, Дэн Сяо-пин, Анвар Ҳўжа, Мехмет Шеху, Тодор Живков, Антон Югов, Янош Кадар, Хо Ши Мин, Вальтер Ульбрихт, Отто Гротеволь, Ким Ир Сен, Дашийн Дамба, Юнжагийн Цеденбал, Владислав Гомулка, Юзеф Циранкевич, Александр Завадский, Киву Стойка, Антонин Новотний, Вильям Широкий, Эдвард Кардель, Александр Ранкович, Жак Дюкло, Пальмиро Тольятти, Гарри Поллит, Макс Рейман ўртоқлар ҳам трибунага чиқадилар.

Мавзолейнинг ўнг томонида Совет Иттифоқи маршаллари, қўшин турларининг маршаллари, адмираллар ва генераллар турибди.

Спасск минорасидаги соат стрелкалари ўнга яқинлашмоқда. Тездан ҳарбий парад бошланади. Москва гарнизонининг қўшинлари Қизил майдонда ва унга ёнлош кўча ва майдонларда саф тортиб турибди.

Тантанали марш

«Парад, смирно!» командаси эшитилади. СССР Мудофаа Министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский очиқ машинада Кремлнинг Спасск дарвозасидан чиқиб келади. Парад қўмондони Совет Иттифоқи Маршали К. С. Москаленко рапорт беради. Мудофаа Министри қўшинлар билан саломлашади, уларни байрам билан қутлайди, сўнгра Мавзолейнинг марказий трибунасига чиқиб нутқ сўзлайди.

Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновскийнинг нутқи

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Чет эллардан келган ҳурматли меҳмонларимиз!

Совет ҳукумати ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан ҳамда уларнинг топшириғига мувофиқ сизларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

Барча социалистик мамлакатлар, бутун халқаро ишчилар синфи, бутун дунё меҳнаткашлари шонли байрамни Совет Иттифоқи халқлари билан биргаликда нишонламоқдалар.

Бундан қирқ йил муқаддам, 1917 йил октябрь ойида, Россия ишчи ва деҳқонлари Владимир Ильич Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси раҳбарлиги остида помешчик ва капиталистлар ҳокимиятини ағдариб ташладилар, ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, инсоният тарихида янги давр очдилар.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари социалистик революцияни амалга ошириб ва унинг ғалабаларини қатиқ курашда сақлаб қолиб, янги ҳаётни бошлаб бердилар, Совет Иттифоқи эса дунёда социализмга йўл очиб берган биринчи мамлакат бўлди.

Бизнинг халқимиз социализм қуришнинг ленинча планини ташқиридан ёрдам олмай бажара бориб, Коммунистик партия раҳбарлиги остида ўз Ватанини саноатлашган-колхозлашган қудратли давлатга айлантирди. Мамлакатимизда совет жамиятининг бузилмас маънавий-сиёсий бирлиги вужудга келди ва мустаҳкамланди, демократиянинг олий формаси — социалистик демократия қарор топди. СССРда социализм қурилганлиги Октябрь революциясининг асосий якунидир.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Октябрь революциясининг қирқ йиллигини халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Партия XX съезди-нинг қарорларидан илҳомланган совет кишилари саноатни, қишлоқ хўжалигини доим юксалтирмоқдалар, асосий иқтисодий вазифани, яъни аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш юксасидан олдинги капиталистик мамлакатларга жуда қисқа вақт ичида етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини бажариш учун муваффақиятли суратда кураш олиб бормоқдалар. Совет кишиларининг моддий ва маданий фаровонлиги тобора ортмоқда. Олимларимиз, инженерларимиз ва техниклларимиз катта муваффақиятларга эришдилар. Бизнинг мамлакатимизда қитъалараро ракета вужудга келтирилди ва синаб кўрилди ҳамда Ернинг биринчи ва иккинчи сунъий йўлдоши учирилди. Бу эса космик бўшлиқни эгаллашда янги давр очди.

Янги ҳаёт қурилишида катта муваффақиятларга эришган Хитой Халқ Республикаси, барча социалистик мамлакатлар Совет Иттифоқи билан бирга социализм йўлидан бормоқдалар. Социализм жаҳон системасига айланди ва инсониятнинг порлоқ истиқбол сари қилаётган ҳаракатини тўхтата оладиган куч дунёда йўқ.

Совет халқи коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошира бориб, тинчликка астойдил интилмоқда. барча халқлар ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорлик ўрнатиш учун кураш олиб бормоқда. Бизнинг тинчликсеварлик сиёсатимиз совет социалистик давлатнинг табиатидан келиб чиқади. Ҳозирги замон атом ва термоядро қуроли ишлатиладиган янги уруш кўп миллион кишиларни халок қилажагини, кўп авлодларнинг меҳнати билан вужудга келтирилган жуда катта моддий бойликларни вайрон қилажагини яхши биламиз. Аммо, империалистик мамлакатлардаги ва, аввало, Америка Қўшма Штатларидаги агрессив доиралар халқаро кескинликни авж олдиришга қаратилган сиёсатни амалга оширмоқдалар, ҳарбий блокларни вужудга келтирмоқдалар, қуролсизланиш соҳасида ҳар қандай амалий тадбирларнинг кўрилишига турли йўллар билан тўсқинлик қилмоқдалар, вайронгарчилик келтирувчи атом урушининг даҳшатлари билан инсониятга хавф солмоқдалар.

Тинчлик душманлари Яқин Шарқда яна авантюра қилмоқчи бўладилар. Жазоирда, Яманда ва Уммонда бегунох кишиларнинг қони тўкилмоқда. Кейинги вақтларда империалистлар тинчликсевар ва мустақил Сурияга қарши гиж-гижлатиш ва дўқ қилиш кампаниясини авж олдирдилар. Улар ана шу жиноий мақсадларни амалга ошириш учун агрессия қуроли сифатида Туркиядан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бизнинг халқимиз мустамлакачиларнинг Яқин Шарқ мамлакатлари ички ишларига аралашувини қатъиян қоралайди ва ана шу мамлакатларнинг озодлик ҳамда миллий мустақиллик учун кураш олиб бораётган халқларига ўзининг бирдамлигини изҳор қилади.

Совет Иттифоқи ва тинчликсевар халқларнинг ҳаракати натижасида ҳозирги кунда агрессорнинг йўли тўсилди. Аммо, Сурияннинг тинчликсевар халкига қарши агрессия қилинишига бундан буён ҳам йўл қўймаслик учун гоят хушёр бўлиш зарур эканлигини яхши биламиз.

Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатини амалга оширгани ҳолда, мамлакатнинг мудофаа кобилиятини, ўз Қуролли Кучларининг қудратини бутун қоралар билан оширмоқда. Совет Армияси ва Флотининг халқ демократияси мамлакатлари армиялари билан жанговар ҳамкорлигини тинмай мустаҳкамламоқда.

Коммунистик партия вужудга келтирган ва тарбиялаб ўстирган Совет Қуролли Кучлари ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан кўра кучлидир. Ҳар қандай агрессор Ватанимизга қасд қиладиган бўлса, Совет Қуролли Кучлари агрессорни тормор келтиришга қодирдирлар.

Жонажон Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган Совет Армияси ва Флотининг жангчилари бундан буён ҳам ўз халқининг ишончини шараф билан оқлайдилар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаларини сергаклик ва қатъият билан кўриклайдилар.

Яшасин Улуғ Октябрнинг қирқ йиллиги!

Яшасин қудратли социалистик Ватанимиз!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари!

Коммунизм қураётган совет халқининг доно йўлбошчиси ва устози Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин!

Ура!

* * *

«Ура» садолари, Кремль батареяларининг салюти ва Совет Иттифоқи Давлат Гимнининг садоларига қўшилиб кетади.

Қўшинларнинг тантанали марши бошланади.

М. В. Фрунзе номидаги Ленин орденли ва I даражали Суворов орденли Ҳарбий Академия колоннаси майдондан ўтади. Академия тингловчилари аниқ ва пухта сафлар билан юриб борадилар. Колоннанинг олдида Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-полковник Курочкин бормоқда. У бундан 40 йил муқаддам, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки кунларида армияда хизмат қила бошлаган, ёш йигит чоғида Қишки саройга бўлган штурмда иштирок этган, гражданлар урушининг кўп жангларида қатнашган. Улуғ Ватан уруши йилларида у армияга қўмондонлик қилган. Ватан собиқ питерлик ишчиларнинг хизматларига юксак баҳо берган. Генерал Курочкин йигирмадан ортиқ орден ва медаллар билан мукофотланган.

Мана, В. И. Ленин номидаги Ленин орденли, Қизил байроқли Ҳарбий-сиёсий академиянинг тингловчилари ўтиб бормоқда. Улар армиямизнинг сиёсий кадрлари, жангчиларга коммунистик тарбия берувчи арбоблардир.

Ф. Э. Дзержинский номидаги Ленин орденли ва I даражали Суворов орденли ҳарбий артиллерия инженерлик академиясининг, В. В. Куйбишев номидаги Қизил байроқли ҳарбий-инженерлик академиясининг ва бошқа ҳарбий академияларнинг тингловчилари бўлган офицерлар ўтиб борганда уларнинг юришидан ҳамма завқланади.

РСФСР Олий Совети номидаги Қизил байроқли Москва ҳарбий билим юртининг курсантлари Қизил майдонга кириб келадилар. Бу ҳарбий билим юрти 1917 йил декабрида В. И. Ленининг кўрсатмасига мувофиқ ташкил этилган эди.

Трибуналардан шавкатли чегарачиларга қарата табрик сўзлари айтилади. Оқ-зангор рангли ҳарбий-денгиз байроғи ҳилпирайди... Парадда қатнашувчи ҳарбий-денгизчиларни Ватан уруши йилларида сувости кемалари қўшилмасига қўмондонлик қилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони контр-адмирал Египко бошлаб боради.

Парадда Москва ва Тула суворовчилар ҳарбий мактабларининг, Ленинград нахимовчилар ҳарбий-денгиз мактабининг ўқувчилари қатнашдилар.

Моторларнинг гуруллаган товуши эшитилади. М. И. Калинин номидаги механикалаштирилган гвардиячи Тамань дивизиясининг жангчилари тушган бронетранспортёрлар Кремль ва Тарихий проездлардан чиқиб келадилар. Гвардиячи дивизиянинг «Совет Ватанимиз учун» деган жанговар чақириқ сўзлари ёзилган Қизил байроғи ҳилпирайди. Байроққа Қизил байроқ ва иккинчи даражали Суворов орденлари тикилган.

Тамань дивизияси кетидан десантчилар ўтди. Улар кетидан танклар пайдо бўлди. Ленин орденли, Қизил байроқли гвардиячи Кантемиров танк дивизияси танкчи жангчиларнинг вакили бўлиб парадда қатнашди. Янгидан-янги жанговар машиналар, дастлаб ўрта ҳажмли, сўнгра эса ҳар қандай жойларда юра оладиган ва кучли пўлат броне билан қопланган оғир ҳажмли машиналар ўтди. Танкчилар колоннасини Совет Иттифоқи Қаҳрамони танк қўшинлари генерал-майори Курцев бошлаб борди.

Ҳозирги замон техникаси ўтиб бормоқда

Қўш тўпли ўзи юрар зенит установкалари, шунингдек ажойиб машиналар—ўрмаловчи, сузувчи бронетранспортёрлар ҳамманинг эътиборини ўзига жалб этади. Ўрмаловчи пўлат қайиқлар учун йўлсизлик ҳам, ботқоқлик ҳам қўрқинч эмас, улар сув марраларидан бемалол ўтадилар.

Ҳамма парадларда бўлганидек бу парадда ҳам шу ерда ҳозир бўлган кишилар артиллериянинг ўтишини зўр қизиқиш билан тамоша қилдилар.

Мана, донғи чиққан гвардия миномётлари. Лекин улар Улуғ Ватан уруши жангларида машҳур бўлган ўз сингиллари «катюша»ларга сира ўхшамайди. Эндиликда улар янада кучлироқ кўринади. Оғир миномётлар юриб бормоқда. Артиллерия стволларининг кучи тобора ўсмоқда. Эндиликда трибуналар олдидан оддий тўплар эмас, балки бутун-бутун мураккаб агрегатлар ўтиб бормоқда. Уларнинг колоннаси охирида узоққа отадиган иккита тўп ўтади.

Реактив кучдан фойдаланиш принципига асосланган янги турдаги артиллерия қуролларининг намуналари кўрсатилди. Оғир реактив артиллерия колоннаси майдондан ўтди. Автомобиллар ва ўрмаловчи транспортёрлар устига ўрнатилган установкаларга катта снарядлар қўйилган. Булар Улуғ Ватан уруши жангларида машҳур бўлган дала реактив артиллерияси снарядларининг қардошларидир. Трибуналар олдидан ўтиб борган реактив артиллерия «Катюша»га қараганда кучлироқ бўлиб, анча узоққа отади.

Артиллерия кетидан ракеталар пайдо бўлади. Эндиликда бизнинг армиямиз зарур бўлган ҳамма ракеталарга — узоққа отадиган, ҳаракат доираси ўртача бўлган ва яқинга отадигай ракеталарга эгадир. Қитъалараро баллистик ракета ҳам яратилди.

Ватан авиациясининг қуввати чексиз ўсди. Бизнинг ҳарбий учувчиларимиз реактив ва турбовинт бомбардировкачи самолётларда, реактив қирувчи самолётлар, шу жумладан жуда тез учадиган самолётларда учмоқдалар. Авиация жойлашган районларда об-ҳаво шароити ёмон бўлганлиги учун Қизил майдон устида ҳаво паради бўлмади.

Ҳарбий парад Совет Армияси ва Флоти сафларида қандай ажойиб кишилар етишиб чиққанлигини, халқ ўз фарзандларига—Социалистик Ватан ҳимоячиларига биринчи даражали техника яратиб берганлигини кўрсатди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси одовида вужудга келган, Коммунистик партия ташкил этган, тарбиялаган ва раҳбарлик қилаётган СССР Қуролли Кучлари севикли Ватанни ҳимоя қилишдан иборат ўз аскарий бурчларини бажаришга доим тайёрдирлар.

Мамлакатимизнинг ёшлиги

Ҳарбий парад тугади, Қизил майдонда меҳнаткашларнинг намойиши бошланди.

Мавзолей олдида намойишчиларнинг байрам колонналари пайдо бўлишига қадар Қизил майдон мамлакатимизнинг ёшлигини ифода этувчи пойтахт физкультурачилари билан тўлди. Мотоциклчи байроқдорлар спортчиларнинг юришини бошлаб бердилар. Улар Мавзолей олдидан тез юриб ўтиб, карнай садолари билан байрамнинг бошланишидан сигнал бердилар. Машиналар устида Маркс, Энгельс ва Ленин портретлари, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретлари туширилган шойи байроқлар ҳилпирайди. Совет халқининг: «Коммунизм ғалабаси сари, олға!» шиори порлайди.

«Динамо» жамиятининг физкультурачилари, Москвадаги Сталин номли физкультура институтининг студентлари, меҳнат резервларининг гимнастиклари, армия, авиация ва флотга ёрдам берувчи кўнгилли жамият физкультурачилари — парашютчилар, ўқчилар, радистлар, яхта ҳайдовчилар саф-саф бўлиб ўтадилар. Колонналар тепасида кичкина Ер шари ва унинг теварагида айланувчи Ер сунъий йўлдоши пайдо бўлишини тамошабинлар қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар.

Қизил байроқлар нурига чўмган кумушсимон броневик майдон бўйлаб юриб боради. Броневик устида В. И. Ленининг фигураси ўрнатилган. Жаҳон пролетариатининг улуғ йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин: Яшасин социалистик революция! деб айтган тарихий пайтни акс эттирган бу композиция ҳамманинг эътиборини ўзига тортади. «Дадил қадам ташлаб олға, ўртоқлар!» қўшиғи эшитилади. Бу қўшиқнинг улуғвор садолари тобора кучайиб, бутун майдонга жаранглайди.

Спортчилар кетидан Москва пионерларининг колонналари ўта бошлайди. Уларнинг сафлари орасидан бир группа ўғил ва қизлар ажралиб чиқиб, Мавзолейга томон югуриб бордилар. Улар Мавзолейнинг мармар зинапояларига чиқиб Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларига, чет эллардан келган меҳмонларга гулдасталар тақдим этдилар.

Меҳнатга шон-шарафлар бўлсин!

Майдон Қизил байроқлар билан тўлиб кетди. Киров, Москварецк, Красная Пресня, Совет, Свердлов, Дзержинский, Шчербаков, Куйбишев ва Бауман районларидаги завод, фабрика, муассаса ва қурилишларнинг байроқдорлари пойтахт меҳнаткашларининг юришини бошлаб бердилар.

Қизил байроқлар Мавзолей олдида ҳилпирамоқда. Байроқдорлар кетидан минглаб кишилар ям-яшил дарахт шохларини баланд кўтариб борадилар. Бу—табрик белгисидир. Яна қизил алвонлар пайдо бўлади. Намойишчилар илмий социализм ижодчилари — Маркс, Энгельс, Ленин портретларини, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоларининг портретларини кўтариб борадилар.

Ёш ишчининг бақувват қўллари каттакон Қизил байроқни кўтариб бормоқда. Бу байроққа: «Ленин бизнинг байрогимиз» деб ёзилган. Бу ишчига ёнма-ён бўлиб, унинг ўртоқлари шаҳдам қадам ташлаб борадилар. Ҳамма москволиклар ўша байроқ теварагига тўпланган, жипслашгандай кўринади. Улуғ Ленининг номи Москва байрогида. Ленининг номи ҳамма меҳнаткашларнинг қалбида. Намойишчилар: КПССга шон-шарафлар бўлсин! СССРга шон-шарафлар бўлсин! деб ёзилган байроқларни эстафетадек олиб ўтмоқдалар.

Эсган шабада зангор байроқчаларни ҳилпиратади. Ажойиб «Аврора» крейсерининг баланд кўтарилган макети тўлқинлар орасида чайқалиб кетгандай бўлди. Тўплари инсоният тарихида янги давр, Улуғ Октябрь даври бошланганлигини бутун дунёга хабар қилган корабль макети Кремль деворлари олдида тўлқинланиб турган кишилар денгизи устидан аста-секин сузиб боради. Ҳамма жойдан табрик сўзлари эшитилади.

Намойишчилар кўтариб бораётган транспарантлар ва плакатлар жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг муваффақиятларини яққол кўрсатади. Қизил алвонларга ёзилган порлоқ якунлар ҳар бир кишида коммунизм сари ишонч билан бораётган ўз мамлакати учун буюк ифтихор ҳисларини туғдиради:

— СССРда саноат маҳсулотининг ҳажми 33 баравар ўсди!

— СССР саноат маҳсулотининг ҳажми жиҳатидан Европада биринчи ва жаҳонда иккинчи ўринда турибди!

Бу муваффақиятларга эришишда пойтахтдаги саноат корхоналари катта роль ўйнади. Мана, пойтахт заводлари ва фабрикаларининг коллективлари. Пролетар райони колоннасини Лихачев номидаги уч орденли автомобиль заводининг коллективи бошлаб бормоқда. Бу корхонанинг ветеранлари бундан 33 йил муқаддам Қизил майдондан худди шундай ўтиб борган эдилар. Уларнинг олдида дастлабки ўнта совет автомобили юриб борган эди. Ўша кун аслда совет индустриясининг янги тармоғи — автомобилсозлик вужудга келган кун эди. Ўша вақтдан бери ўтган йиллар ичида автозаводликлар кўп минглаб биринчи даражали машиналарни ишлаб чиқардилар. Бугун улар «ЗИЛ-164» маркали янги юк машиналарини ва «ЗИЛ-158» маркали шаҳар автобусларини намойиш қилмоқдалар. Бу машиналарни ишлаб чиқариш Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига ўзлаштирилди. Эндиликда «ЗИЛ» маркали автомобилларни мамлакатимизнинг ҳамма қисмларида кўриш мумкин.

Колонна тепасида каттакон Қизил байроқ қилпирайди. Бу байроқ Красная Пресня пролетариатининг шонли революцион традицияларини эслатади. Красная Пресня пролетариати 1905 йилда биринчи бўлиб декабрь қуролли қўзғолони байрогини кўтарган эди. Панноларда бирига Ленининг қуйидаги сўзлари ёзилган: «Пресня ишчиларининг зафари бекорга кетмади. Уларнинг қурбонлари беҳуда бўлмади». Пойтахтдаги кекса тўқимачилик корхонаси — «Трёхгорная мануфактура» комбинатининг коллективи ўтмоқда.

Музика садолари, қувноқ қўшиқлар янграйди. Баъзи жойларда ўйинлар бошланиб кетади. СССР халқларининг миллий кийимларини кийган йигит ва қизлар колонналарнинг умумий ҳаракатига халақит бермаган ҳолда ўйинга тушиб борадилар. «Каучук» заводининг колоннаси тепасида каттакон шар пайдо бўлади. Бу шар кетидан иккинчиси, учинчиси... ўн бешинчиси пайдо бўлади. Бу шарларнинг ҳар бирида иттифоқчи республика байроғи тикилган. Мамлакатимиз халқлари дўстлигининг символи бўлган бу байроқлар Москва осмонида учиб юради.

Трибунадагилар «Серп и молот» заводининг коллективини қизғин табриклайдилар. Завод колоннасининг устида корхонанинг эмблемаси: ўроқ ва болга макети кўтарилган. Бундан 35 йил муқаддам Москва металл заводининг (собиқ Гужон заводи) ишчилари умумий йиғилишда корхонага ана шу янги номни беришга қарор қилган эдилар. Завод коллективи ана шу йиллар ичида ўзининг бу номга, ишчилар билан деҳқонларнинг қардошларча бузилмас иттифоқи символи бўлган номга муносиб ишлаб келмоқда.

Трибунадагилар Октябрь натижасида вужудга келган заводларнинг коллективларини табриклайдилар. Совет ҳокимияти йилларида Москвада 1 Давлат подшипник заводи, Серго Оржоникидзе номли станкозлиг. заводи, «Фрезер» заводи, кичик литражли автомобиль заводи, шина заводи, Биринчи соат заводи ва бошқа йирик корхоналар вужудга келди.

Ҳамма юқорига қарайди. Тўсатдан майдон устида олатлан ташкари формадаги снаряд пайдо бўлади. Бу снаряд қитъалараро ракетанинг модели эканлигини ҳамма билиб олади. Моделга: Совет фанига шон-шарафлар бўлсин! деб ёзилган.

Қизил майдонга янгидан-янги колонналар кириб келади ва совет халқи меҳнат дафтарининг янгиланган янги саҳифалари очилади. Пойтахтнинг Шчербаков райони колонналарида СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг ҳолимлари. Москва атрофи колхозчилари юриб бормоқда. Чиройлик панноларда колхоз кишлоғи меҳнаткашларининг муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Колонналар тепасида учар шарларга биркитилган енгил алвон пайзо бўлади. Бу алвонда: «Аҳоли жон бошига сут, ёғ ва гўшт етиштириш жиҳатидан якин йиллар ичида АКШ га етиб олайлик» деган чақириқ сўзлари порлайди.

Совет халқи ўзининг ҳамма ғалабаларига Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети туфайли эришганлигини билади. Бугунги кунда миллион-миллион кишиларнинг фикр-зикри халқимизни янги зафарларга илҳомлантирувчи жонажон партияга қаратилгандир.

Фан муваффақияти

Октябрь революцияси фанни халқ мулкига айлантирди. У қирқ йилдан бери коммунизм ишига садоқат билан хизмат қилмоқда. Совет халқи Октябрнинг қирқ йиллигини ижодий фикрнинг тарихда мисли кўрилмаган муваффақиятлари билан нишонлаган ўз олимларини чин кўнгилдан табриклайди.

Ернинг сунъий йўлдоши. Инсоннинг ана шу ажойиб ижоди, қанча авлодлар орзу қилиб келган бу ижоди «эртаклари ҳақиқатга айлантириш учун» тугилган кишиларнинг байрам намойиши устида худди парвоз қилаётганга ўхшайди. Ер сунъий йўлдошининг учирилиши жаҳон фани тарихида янги давр очади. Совет кишисининг иродаси билан Ернинг бир эмас, балки икки сунъий йўлдоши Ер теварагида айланаётганлигини ҳамма мамлакатлардаги, ҳамма қитъалардаги кишилар қойил бўлиб кузатмоқдалар. Намойиш қатнашчилари Ер сунъий йўлдошининг ҳаракат қилиб турган конструкцияларини, макетларни, йўлдош сурати туширилган паннони яратишда кўп зийраклик ва катта маҳорат кўрсатганлар. Электролампа заводининг коллективи ясаган макет энг яхшилардан биридир. Ер шарининг макети теварагида йўлдош — олтинсимон кичкина шар айланиб турибди. Кичкина шар Ернинг юқори нуқтасидан ўтган вақтда интенсив ёруглиқ беради. Йўлдош айланиб турган вақтида овоз сигналлари беради ва бу сигналлар майдонга аниқ эшитилиб туради.

Жаҳонда биринчи совет атом электростанцияси, реактив гигант самолёт, автоматик домна печи, жуда узун электр линиялари. Ўн мингдаб кишиларнинг ишини бажарадиган электрон ҳисоб машиналари макетларини намойишчилар фан ва техниканинг тез тараққий этаётганлигини кўрсатувчи символ сифатида хурсандчилик билан кўтариб ўтмоқдалар. Ленин ҳаёт бўлганида эди гигант Куйбишев ГЭСи Москвага электр қуввати бераётганлигини ва унинг бутун мамлакатни электрлаштириш тўғрисидаги орзуси рўёбга чиқаётганлигини кўриб гоят хурсанд бўлган бўлур эди.

Биридан-бири чиройлик манзаралар пайдо бўлади. Улардан баъзилари Антарктиданинг музликлари устида совет самолётларининг парвоз қилганини кўрсатса, бошқалари бизларни дам Шимолий қутбга, кўчма станцияларга, дам олмос конлари топилган узоқ Ёкутистонга олиб келгандай бўлади.

Жаҳонга тинчлик!

Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб, атом қуролини тақиқлаш учун курашиб, ер юзидаги миллион-миллион кишиларнинг муҳаббати ва қўллаб-қувватлашига сазовор бўлди. Халқлар давлатимизнинг ўсиб бораётган қудратини янги уруш хавфига қарши курашда, ўз миллий мустақилликларини ва суверенитетлари учун курашда таянч ва суянчиқ деб биладилар.

Улуғ Октябрнинг қирқ йиллиги кунида совет халқи тинчлик учун, демократия учун, социализм учун курашаётган ҳамма халқларга қардошлик саломи йўллайди.

Намойиш қатнашчилари ўзларининг байрам байроқларига қуйидаги сўзларни ёзганлар:

— Социализмнг жаҳон системасига айланиши — ҳозирги даврнинг асосий хусусиятидир.

Яшасин ва мустаҳкамлансин социалистик лагерь мамлакатлари халқларининг улуғ дўстлиги!

Совет халқи улуғ байрам кунида социализм қураётган улуғ хитой халқига қизғин, қардошлик саломини йўллади. Бошқа социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари шарафига қизғин табрик сўзлари янгради.

Қизил майдонда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишланган халқ намойиши бир неча соат давом этди. Бу намойишда пахлавон халқимиз Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида, марксизм-ленинизм енгилмас байроғи остида эришган улуғ ғалабалар қудратли ва ёркин ифодасини топди. Бу намойиш партия билан коммунизм ғалабаси сари оғишмай олға бораётган халкнинг бузилмас бирлигини кўрсатувчи намойиш бўлди. (ТАСС).

Улуғ Октябрнинг шонли қирқ йиллиги

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат УзКП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. А. МУҲИТДИНОВнинг 1957 йил 6 ноябрда Тошкентда бўлган тантанали мажлисда қилган доклади

Қадрли ўртоқлар! Сизлар билан биз мана шу эзлда халқ байрамларини кўп марталаб тантанали равишда нишонлаганмиз, энг зарур хўжалик-сиёсий вазифаларни муҳокама қилмоқ учун неча марталаб тўпланганмиз.

Лекин бугун биз бу ерда Совет Иттифоқи халқларининг, бутун дунё меҳнаткашларининг ҳаётида алоҳида қувончли ва шодиёна воқеа муносабати билан — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллиги муносабати билан тўпландик.

Бундан қирқ йил муқаддам революцион крейсер «Аврора» ўз тўпларининг гумбурлаган овози билан кишилик тарихида янги давр бошланганлигини, империализмнинг емирилиши, янги социалистик жамиятнинг қарор топиши даври бошланганлигини дарак берган тарихий минутларга бир неча соатдан кейин қирқ йил тўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Республика Министрлар Совети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан шу тантанали мажлис қатнашчилари бўлган сизларни ва сизлар орқали ишчиларни, колхозчиларни, зиёлиларни, Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий хизматчиларини—Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашларини Совет ҳокимиятининг шонли қирқ йиллиги билан чин кўнгилдан қизғин қутлашга ижозат берингиз. (Қарсаклар).

Улуғ Октябрь социалистик революцияси халқларнинг тақдирида шундай ўрин олдики, ўтмишда ҳеч бир революция бундай ўрин олишга муяссар бўлмаган эди. Октябрь революцияси мамлакатимизда ишчилар синфи диктатурасини ўрнатди, меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида жуда катта иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни амалга оширди, социал ва миллий зулмнинг ҳамма формаларини емириб ташлади, тинчлик, барча иқлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлиги сингари олижаноб идеяларни рўёбга чиқарди, жуда кенг халқ оммасини онгли ижодкорликка кўтарди.

Улуғ Октябрь умри тугаб қолган эски ижтимоий тузумни таг-томири билан ағдариб ташлаб, мамлакатни иқтисодий ва миллий ҳалокатдан, империалистик йиртқичларнинг мамлакатни парчалаб қул қилиб олиш хавфидан сақлаб қолди. Бизнинг Совет Ватанимиз революциянинг биринчи кунларидаги ва граждан уруши даридаги шиддатли синовларга бардош бериб, партия ва халқнинг иродаси билан қудратли социалистик давлатга айланди.

Октябрнинг ҳаётбахш идеялари бутун дунёда революцион ҳаракатнинг бошланиб кетишига зўр сабабчи бўлди, мазлум халқларнинг ўз озодлиги учун олиб бораётган курош шароитини тубдан яхшилади, уларга империалистик қулликдан халос бўлиш йўлини кўрсатиб берди. Улар Октябрь революциясини ўзлари учун илҳомбахш ўрнак деб билдилар, бу революция туфайли вужудга келган социалистик тузумда эса тарихнинг кенг йўли олиб бораётган келажакнинг тимсолини кўрдилар.

Инсоният Россия ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб, улуғ Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия раҳбарлиги остида социалистик революцияни амалга ошириб ва Октябрь ғалабаларини қаттиқ туриб сақлаб қолиб, жуда катта қаҳрамонликлар қилганлигини, социализмга биринчи бўлиб йўл очиб берганлигини ва шу тариқа бутун дунё меҳнаткашларининг марксизм-ленинизмнинг ўлмас идеяларини тантана қилдириш учун олиб борган курашларида танилган авангард бўлиб қолганлигини унутмайди.

Мамлакатимиз халқлари кўпмиллатли ўз Совет Ватанининг қирқ йиллигини бошқа янги социалистик давлатларнинг ақил оиласида туриб нишонлаётганликлари учун фахрланадилар ва бахтиёрдирлар. Совет Иттифоқи капитализм даврида якка-ёлғиз орол бўлиб турган вақтлар асло қайтмас бўлиб, ўтмишда абадий қолиб кетди. Эндиликда ер юзидаги аҳолининг учдан бир қисмидан кўпроғини ўз ичига олган социалистик лагерь шарқда Тинч океандан, ғарбда Адриатика соҳилларигача бориб тақалган бутун бир социализм қитъаси бўлиб қолди.

СССРда социалистик жамият қурилганлиги, социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб жаҳон системасига айланганлиги Октябрь революцияси тараққиётининг қирқ йиллик даврида эришилган энг муҳим ва асосий якунлир.

Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари шу нарсага тобора кўпроқ амин бўлмоқдадирларки, революцион фан ва революцион ҳаракатнинг улуғ йўлбошчилари Маркс, Энгельс, Ленин кўрсатиб берган, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тарихий тажрибасида синалган йўл инсониятни эркинликка ва бахтиёрликка, халқларни тинчликка ва қардошликка олиб борадиган бирдан-бир тўғри йўлдир.

Осиё ва Африкада юз миллионлаб кишилар Октябрь идеяларининг таъсири остида мустамлакачилик занжирларини улоқтириб ташладилар. Мустамлака ва қарам мамлакатлардаги халқлар миллий озодлик курашининг алангаси тобора ловиллаб авж олмоқда.

Шунинг учун ҳам биз Улуғ Октябрнинг қирқ йиллигини Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг, барча социалистик мамлакатларнинг, бутун халқаро ишчилар синфининг, бутун дунё меҳнаткашларининг ёрқин байрами қилиб, ғоят хурсандчилик билан нишонламоқдамиз.

Совет халқининг улуғвор ғалабалари

Ўртоқлар! Бугун эрталаб соат 10 да Москвада, Лужникидаги Спорт саройида СССР Олий Советининг совет жамоатчилиги вакиллари ва чет эл меҳмонлари иштироки билан тантанали юбилей сессияси ўз ишини бошлади. КПСС Марказий Комитетининг биринчи Секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Ўртоқ Хрушчев докладида совет халқининг коммунистик қурилишда эришган улуғвор ғалабалари якунлаб берилди.

Қирқ йил—тарихан унчалик катта бўлмаган муддатдир, лекин бизнинг мамлакатимиз кўп асрлик қолоқликдан кейин шу қисқа давр ичида ўзининг иқтисодий ва маданий тараққиётида олға томон мисли кўрилмаган, ҳақиқатан ҳам жуда катта қадам қўйди.

Бунда шу фактни ҳисобга олмаслик мумкин эмаски, мамлакатимизда рўй берган бу жуда катта ўзгаришлар аслини олганда 22 йил ичида рўй берди, чунки мамлакатимиз тарихининг 18 йили гражданлар уруши ҳамда иккинчи жаҳон уруши билан ва шу урушлардан кейин бошланган тиклаш даврлари билан ўтди.

Бизнинг халқимизга чор Россиясидан оғир мерос қолган эди. Ҳатто Россиянинг 1913 йилдаги жуда кучсиз ишлаб чиқарувчи кучлари ҳам Совет давлатига қолдирилмаган эди. Кўп фабрикалар ва заводлар, шахталар ва конлар Германия, АҚШ, Англия, Франция, Япония ва бошқа давлатларнинг империалистлари томонидан биринчи жаҳон урушида ҳамда ёш Совет Республикасига қарши олиб борилган интервенция йилларида емириб ташланган ёки талаб кетилган эди.

Натижада, бизнинг мамлакатимиз жуда катта табиий бойликларга эга бўлганлигига, ўз территорияси ва аҳолисининг сони жиҳатидан Европадаги энг катта давлатлардан устун турганлигига қарамай, ўзининг иқтисодий тараққиёт даражаси жиҳатидан энг ривожланган капиталистик мамлакатлардан 50-100 йил орқада қолган эди.

Тор-мор келтирилган синфлар қутириб қаршилик кўрсатаётган шароитда, капиталистик қуршовнинг кескин вазиятида мамлакатни мана шу ҳалокатли аҳволдан қутқариб олиш осон иш бўлмади. Лекин эркинликка эришган, ҳокимиятни ўз қўлига олган халқ Коммунистик партия раҳбарлигида сонсизсаноқсиз тўсқинликларни, оғирлик ва қийинчиликларни енгиб, янги турмуш қуришни уддалай олди.

Социализм қуришда муваффақиятлар қозониш биринчи галда ўз Ватанимизнинг оғир саноатини ва, аввало, бу саноатнинг ўзаги бўлган машинасозликни барпо қилишга боғлиқ эди. Ана шу энг катта вазифани ижодкор ва яратувчи халқ бўлган бизнинг халқимиз қаҳрамонона эўр ғайрат сарфлаб жаҳондаги ҳеч бир давлат ҳаёлига ҳам келтира олмаган қисқа муддат ичида амалга оширди.

Бутун мамлакат улуғ қурилиш шавқ ва завқи билан тўлиб ишлади. Янгидан-янги минглаб корхоналар ва бутун-бутун саноат тармоқлари барпо қилинди. Ватан харитасида юзлаб ва минглаб янги шаҳарлар ва саноат марказлари пайдо бўлди. Мамлакатнинг бепоён ерларини янги темир йўллар ва автомобиль магистраллари қоплади. Янги қурилган энергетика гигантларининг чироқлари порлади. Шахталар ва конлар, домналар ва мартенлар кўмир ва руда, чўян ва пўлат бера бошлади.

Урушдан олдинги беш йилликлар Совет мамлакатини аграр мамлакатдан индустриал мамлакатга айлантирди. Бизнинг саноатимиз ҳозирги замон ускуналарининг ҳамма турларини ишлаб чиқарадиган, мамлакатни биринчи даражали техника билан таъминлайдиган, Армияни энг янги қурол-яроғлар билан таъминлаб турадиган бўлиб қолди.

Совет кишиларининг муъжизали қаҳрамонона меҳнатини яққол кўрсатувчи баъзи маълумотларни айтиб бераман: 1956 йилда биз ҳар қирқ уч кунда чор Россиясининг бутун 1913 йилда ишлаб чиқарган чўянига баравар келадиган чўян ишлаб чиқариб турдик. 1913 йилда ишлаб чиқарилган миқдордаги пўлатни етиштириб бермоқ учун ҳозирги вақтда биз 30 кун, шу миқдордаги кўмир чиқармоқ учун 24 кун, шу миқдорда нефть чиқармоқ учун 40 кун сарфламоқдамиз. Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизда ҳар минутда конвейердан биттадан автомобиль чиқиб турибди.

1917 йилдагига нисбатан СССРдаги саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 46 баравар кўпайди. ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш 91 баравар кўпайди, машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотини ишлаб чиқариш эса 200 баравардан зиёдроқ кўпайди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида электр қуввати ишлаб чиқариш бизнинг мамлакатимизда юз баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳозирги вақтда бизнинг электростанцияларимиз Англия, Франция, Италиядаги ҳамма электростанциялар бераётган қувватга қараганда кўпроқ электр қуввати ишлаб чиқармоқда.

Совет халқи жаҳонда энг катта Куйбишев гидроэлектростанциясини қуриб битказиб, унинг бутун қувватини тўла ишга туширганлиги билан ниҳоят даражада фахрланади. Бу гидроэлектростанция халқ хўжалигига революциядан олдинги Россиялаги ҳамма электростанциялар 1913 йилда ишлаб чиқарганига қараганда беш баравар кўп электр қуввати беради.

Бизнинг саноатимиз нақадар тез суръатлар билан ривожланганлигини тўлиқ тасаввур қилмоқ учун қуйидаги рақамларни таққослаб кўрсатиш мумкин. Саноат тараққиётининг ҳозирги даражасига эришмоғи учун Англияга икки юз йилга яқин ва АҚШга юз йилга яқин вақт керак бўлган бўлса, бизнинг Совет мамлакатимиз асосан 13 йил ичида мамлакатни индустриалаштириб ҳозирги даражага келтирди. Аммо биз бу ишни ўз кучимиз билан, четдан асоратли қарзлар олмай бажардик, капитал мамлакатларида бўлгани ва бўлаётганининг аксича, биз бошқа халқларни таламай ва қийнокқа солмай амалга оширдик.

Жаҳон саноат ишлаб чиқаришида Совет Иттифоқининг хиссаси 1917 йилдаги 2-3 процентдан ҳозирги вақтда бешдан бир қисмга етди. Саноат маҳсулотининг ҳажми жиҳатидан ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи Европада биринчи ва жаҳонда иккинчи ўринни олиб турибди.

Социалистик ишлаб чиқаришнинг характерли хусусияти шуки, техникани тараққий эттириш, янги техникани ва илғор технологияни жорий қилиш негизида меҳнат унумдорлиги тўхтовсиз ошиб бормоқда. Ўртача меҳнат унумдорлиги революциядан олдинги даврдагига нисбатан Совет Иттифоқи саноатида 9 баравар ошди, ваҳоланки, Америкада фақат 2,2 баравар, Англияда 1,4 баравар ва Францияда 1,8 баравар ошди.

Бугун биз совет индустриясининг жуда катта муваффақиятлари тўғрисида гапирар эканмиз, социализм қуриш йўлида қилинган жуда катта ишларнинг асосий оғирлиги ўз елкасида кўтариб келиб, ўзининг тарихий вазифасини шараф билан бажарган ажойиб ишчилар синфига тахсин айтамиз.

Қаёққа назар солмайлик, халқнинг ҳар бир ишида, унинг катта ва кичик ишларида барча меҳнаткашларга ибрат бўлиб, уларни ўзига жалб қилаётган қаҳрамон ишчилар синфининг қизғин, фидокорона меҳнатини кўрамиз.

Коммунизмнинг тўла ғалабаси учун курашаётганларнинг биринчи сафларида бораётган бизнинг қаҳрамон ишчилар синфимизга шон-шарафлар бўлсин! (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Совет фани мамлакатда техникани тараққий эттириш ишига жуда катта ҳисса қўшди. Ўз социалистик ватанининг отаҳон ватанпарварлари бўлган олимларимиз энг мураккаб илмий-техника проблемаларини ҳал қилишда ўз закономерларини ва маҳсулотларини кўрсатдилар. Математика, физика, химия, электроника соҳаларида эришилган муваффақиятлар энергетикани, машинасозликни, металлургияни, радиотехникани, автоматика ва телемеханикани янада ривожлантиришга ёрдам бермоқда, энг янги техникани ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишга, янги, юксак даражали самарали технология процессларини ишлаб чиқишга имкон берди.

Жаҳонда биринчи атом электростанцияси ва энг қувватли синхрофазотрон совет мамлакатида қурилганлиги билан, ҳаддан ташқари узоққа учадиган, қитъалараро, кўп босқичли баллистик ракета бизнинг мамлакатимизда барпо қилинганлиги билан қонуний равишда фахрланамиз. Бу баллистик ракета шу вақттача эришилмаган жуда юксак баландликка кўтарила олади ва ер шарининг белгиланган ҳар қандай районига бориб туша олади.

Совет олимлари Ернинг сунъий йўлдошини учиргандиклари тўғрисида 4 октябрда эълон қилинган хабар бутун инсониятни ҳайратда қолдиди, 3 ноябрда эса Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши муваффақиятли равишда учирилди. Иккинчи йўлдошнинг ҳажми биринчи йўлдошга қараганда талай миқдорда катта бўлиб, унга жуда мураккаб аппаратлар ўрнатилгандир.

Бизнинг халқимиз илм-фан соҳасидаги мана шу жаҳоншумул тарихий ғалабадан ниҳоят даражада мамнун бўлиб, бутун инсониятнинг энг мардонавор орзусини рўёбга чиқарган совет олимларини, инженерларини, техникларини ва ишчиларини бугун чин кўнгиллан қизғин табриклайди ва қутлайди, жаҳон фани ва техникасини тағин ҳам юқори босқичга кўтарган шу совет олимлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларига янги-янги муваффақиятлар тилайди. (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Колхоз тузумининг ғалаба қозониб қишлоқ хўжалигида социалистик ўзгаришларни таъминлаганлиги совет халқининг энг катта ғалабасидир.

Уч-тўрт йил мобайнида йирик қишлоқ хўжалик артеллари барпо қилинди. Ишчилар синфи қишлоқни энг янги машиналар билан таъминлаб туриш билангина чекланмай, шу билан бирга, қишлоққа ўзининг энг яхши фарзандларини ҳам юборди, улар колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ажойиб ташкилотчилари бўлиб ишладилар. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида 79 минг колхоз, 6 мингга яқин совхоз ва 8 минг машина-трактор станцияси бор.

Совет қишлоғининг қиёфаси бутунлай ўзгарди, ўтмишда қашшоқликда кун кечириб келган майда, тарқоқ якка деҳқон хўжаликларидан асар ҳам қолмади. Колхоз тузуми деҳқонларнинг табакаланишини, қулоқлар асоратини, қишлоқдаги камбағалчилик ва қашшоқликни тугатди. Колхоз тузуми қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини ва маданиятини ўстириш учун чексиз имкониятлар очиб берди.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида экин майдонлари анча кенгайди, қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлиги ошди. Энг серҳосил йил бўлган 1913 йилдагига нисбатан товар-галла етиштириш қарийб уч баравар кўпайди, шу жумладан, буғдой етиштириш беш баравар кўпайди; шу давр ичида мамлакатда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш икки-уч баравар кўпайди, канд лавлаги ва картошка етиштириш қарийб уч баравар кўпайди.

Пахтачилик соҳасида катта муваффақиятлар кўлга киритилди. Пахта етиштириш ва унинг хосилдорлиги жиҳатидан ҳозирги вақтда Совет Иттифоқи жаҳондаги олдинги ўринларнинг биринчи олиб турибди. Пахта экилаётган майдон уч баравар кўпайди, пахтанинг ялпи ҳосили 6 баравар ошди. Ҳар бир гектардан олинаётган пахта ҳосили эса икки баравар кўпайди.

Қишлоқ хўжалигидаги бу муваффақиятлар шунинг натижаси бўлдики, қишлоқ хўжалиги ҳозирги замоннинг биринчи даражали техникаси билан таъминланди. электр қуввати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг қўлланилган бўлиб қолди, илғор биология фанининг муваффақиятлари ва илғорларнинг тажрибалари колхоз, совхоз ишлаб чиқаришига жорий қилинмоқда, шунингдек қишлоқ хўжалиги юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминланди.

Совет экономикасининг бошқа ҳамма тармоқлари сингари социалистик қишлоқ хўжалигимиз ҳам ҳозирги вақтда кенг миқёсда юксалиб бормоқда.

Бўш ётган миллион-миллион гектар қўрик ва бўз ерларни ишга солиб, ҳаёт маконига айлантиришга эски Россиянинг қурби етармиди? Аммо совет халқи бу вазифани ўз олдига қўйиб, уни уч йил ичида муваффақиятли равишда амалга ошира олди ва шу давр ичида 36 миллион гектарга яқин янги ер очишга муваффақ бўлди. Бу эса Франция, Италия, Ғарбий Германия, Австрия, Бельгия, Дания, Голландия, Испания ва Швециядаги, яъни Европадаги 9 давлатнинг хаммасини бирга қўшганда ҳам улардаги галла экилаётган майдондан ортиқроқ ерни ташкил қилади.

Қўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқининг қудратли кучидан далолат берувчи чинакам халқ қаҳрамонлигидир.

Қишлоқ хўжалигини юксалтиришда эришилган муваффақиятлар ва уни ривожлантириш соҳасидаги бундан ҳам каттароқ истиқболлар партия ва халқнинг давлат аҳамиятига эга бўлган катта вазифани—аҳоли жон бошига сут, ёғ ва гўшт етиштириш жиҳатидан яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш вазифасини кўйиш ва уни ҳал қилишга киришиш имконини берди.

1957 йилнинг дастлабки якунлари бу жаҳоншумул тарихий вазифани совет халқи ҳеч шубҳасиз муваффақиятли бажаради деб ишонишга имконият беради. (Қарсаклар).

Меҳнаткаш колхозчи деҳқонларимизга ва қишлоқ хўжалигининг ҳамма ходимларига тағин ҳам катта муваффақиятлар тилаймиз! (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Халқнинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш Коммунистик партия учун энг юксак мақсаддир. Мамлакат экономикасида рўй берган туб силжишлар натижасида халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси кескин равишда оширилди.

1913 йилдагига нисбатан ишчиларнинг реал иш ҳақи қарийб беш баравар кўпайди. деҳқонларнинг даромади 6,4 баравар кўпайди, мамлакат бойлигидан далолат берувчи кўрсаткич бўлган миллий даромад эса 19 баравар кўпайди, халқ истеъмол қиладиган молларни ишлаб чиқариш ҳажми 13 баравар кўпайди. Совет кишилари яхши овқатланадиган, яхши кийиналиган, маданий яшайдиган бўлиб қолдилар.

Халқ фаровонлигининг тўхтовсиз юксалиб бораётганлиги аҳолининг соғлиғи ўсиб бораётганлигида айниқса яққол кўринмоқда. Фақат бешинчи беш йилликнинг ўзидагина Совет Иттифоқи аҳолиси 16 миллион 300 минг кишига кўпайди, мана шунинг ўзигина Швеция, Норвегия ва Финляндиядаги ҳамма аҳолининг умумий сонидан ортиқдир.

Текин ўқитиш, студентларга берилаётган стипендиялар, текин медицина ёрдами, санаторийларга ва дам олиш уйларига бориш учун текин ва арзон нархлар билан берилаётган путёвкалар, социал-страхование бўйича ҳар хил нафақалар ва тўловлар — мана шуларнинг ҳаммаси халқнинг турмуш даражасини ошириш учун кўрилаётган тадбирлардир. Факат 1956 йилнинг ўзидагина аҳоли 169 миллиард сўмлик мана шундай имтиёзлар ва енгилликлар олди. 1957 йилда эса давлат томонидан мана шу мақсадларга 192 миллиард сўм сарфланади.

Иш кунини камайтириш, пенсияларнинг миқдорини ошириш, кам ҳақ тўланадиган ишчи ва хизматчилар олаётган иш ҳақини кўпайтириш, ўқитиш учун ҳақ олишни бекор қилиш, хотинларга берилаётган ҳомиладорлик отпускаларининг кўпайтирилганлиги ва шу кабилар соҳасида Партия ва Ҳукумат томонидан кейинги йилларда кўрилган чоралар меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтиришга жуда кўп даражада ёрдам берди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги қарори Партия ва Ҳукуматнинг аҳоли эҳтиёжларини ва унинг ўсиб бораётган талабларини қондириш тўғрисида чинакам оталарча ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи янги ёркин далил бўлди. Бу қарорни амалга ошириш натижасида яқин йиллар ичида уй-жой фонди тағин ҳам кўпроқ ошади, бу эса аҳолининг тобора ўсиб бораётган маданий-маиший эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга имкон беради.

Маданий революция совет халқининг қирқ йил мобайнида эришган шонли ғалабалари тарихида алоҳида ўрин олади.

Мамлакатимизда жуда кўп халқ зиёлилари етиштирилди, улар Ватанимиз фани, техникаси ва маданиятини зўр куч билан ривожлантирмоқдалар.

Ҳозирги вақтда мамлакат халқ хўжалигида олий ва махсус ўрта маълумотли 6 миллиондан кўп мутахассис, яъни революциядан олдинги Россияда бўлганига қараганда 33 баравар кўп мутахассис ишламоқда. Совет Иттифоқи ҳар йил тайёрланаётган инженерлар ва техникларнинг сони жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни олиб турибди. Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида, илмий муассасаларида 240 минг, яъни чоризм даврдагига қараганда қарийб 24 баравар кўп илмий ходим ишламоқда.

СССРда ҳамма жойда умумий етти йиллик таълим амалга оширилди, умумий ўн йиллик таълимга ўтиш бошланди.

Энг ажойиб муваффақиятларнинг бири шуки, бизнинг мамлакатимизда янги одам ўсиб етишди, отаҳон совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми, меҳнатга, ижтимоий мулкка социалистик муносабатда бўлиш янги совет кишисининг энг муҳим хислатларидир. Миллион-миллион оммаанинг ижодий активлиги ўсиб, юксак даражага кўтарилган онглилиги халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кенг миқёсда ривожлантиришга қаратилган социалистик мусобакада ўзининг ёркин ифоласини топмоқда.

Кўп қиррали бой социалистик воқелигимизни ва совет кишисининг олижаноб қиёфасини акс эттирувчи адабиёт ва санъат янада юксалиш ва равнак топиш йўлидан бормоқда.

Халқ орасидан етишиб чиққан, халқнинг туб манфаатларини чуқур тушуниб, коммунизмнинг улуғ идеалларига содиқлик билан хизмат қилаётган совет зиёлиларига янги ижодий муваффақиятлар тилайлик, Ўртоқлар! (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Совет тузумининг қудратли ҳаётий кучи Улуғ Ватан уруши йилларида айниқса кенг намоён бўлди.

Маълумки, бизнинг халқимиз энг оғир, энг шиддатли синовларга дуч келди. Ватанимиз халокат хавфи остида қолган эди.

Совет халқи партиянинг чақиригига жавобан улуғ муқаддас жангга кўтарилди ва қаҳрамонона курош олиб бориб, гитлерчи босқинчиларнинг ва шу босқинчиларни рухлантирганларнинг ҳамма планларини ва режаларини пучга чиқариб, жаҳоншумул тарихий ғалаба қозонди.

Бутун мамлакат яхлит жанговар лагерга айланди. Ҳар бир совет ватанпарвари «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» деган битта жанговар шиор билан яшади, курашди, ишлади ва ғалаба қозонди.

Гитлерчи ғалалар мамлакат халқ хўжалигига сонсиз-саноқсиз зарар етказдилар. Душманлар минглаб заводларни ва фабрикаларни, юзлаб шаҳарларни, ўн минглаб қишлоқларни вайронага айлантирдилар, миллионлаб кишиларни уйсиз-жойсиз қолдирдилар. Ҳар қандай, ҳатто энг катта буржуа мамлакати ҳам Совет давлатидек ғоят катта зўр зарар кўрганида эди, жуда орқада қолиб кетиб, бошқа империалистик йиртқичлар асоратига муқаррар тушиб қолган бўлур эди. Бироқ, Совет Иттифоқи бундай бўлмади. У урушдан тағин ҳам кучлироқ ва мустаҳкамроқ бўлиб чиқди. Совет ижтимоий ва давлат тузуми Ватанимизга уруш етказган жароҳатларни тез тузатиб олиш, халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма тармоқларини тиклаб олиб, ишонч билан олга силжитиш имкониятини берди.

Улуғ Октябрнинг ғалабаларини муносиб равишда шараф билан ҳимоя қилишга ўзининг моҳир ва лаёқатли эканлигини неча марталаб исбот қилган мамлакат Қуролли Кучларининг шавкатли жангчилари совет кишиларининг тинч меҳнатини бардам бўлиб, муҳофаза қилиб турибдилар.

В. И. Ленин Октябрь инқилобининг биринчи кунларидаёқ капиталистик асоратдан қутилиб чиққан, маҳаккатлар тортиб, ўз совет революциясини рўёбга чиқарган Россияни охирги катра қонимиз қолгунча ҳимоя қиламиз, деб айтган эди.

Партия ва Ҳукумат Ленин васиятини муқаддас билиб ва бажариб, шонли армиямиз тўғрисида ва мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамиша оталарча ғамхўрлик қилиб келдилар.

Ҳар қандай агрессорга қатъий зарба бермоқ учун Совет Иттифоқида зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор. Бизнинг биринчи даражали мудофаа саноатимиз қурол-яроғларнинг энг замонавий турларини, шу жумладан, ядро ва термо ядро қуролини, баллистик ракетани ва бошқа кўпгина шулар каби қурол-яроғларни етарли миқдорда ишлаб чиқара олади ва ишлаб чиқармоқда. Ўз Ватанига, халққа ва партияга беиҳоя содиқ бўлган, улуғ социалистик давлатимизнинг муқаддас чегараларини кўкрак кериб ҳимоя қилишга ҳамиша ҳозир турган шуҳрат қозонган ажойиб саркардаларимиз — маршаллар, генераллар ва адмиралларимиз, кўркмас жангчиларимиз—офицерлар, солдатлар ва матросларимиз бор.

Бугунги кунда совет халқи ўзининг қаҳрамон Қуролли Кучларини фарзандлик муҳаббати билан шуҳратлайди ва уларга жанговар ва сиёсий тайёргарликда, жанговарлик маҳоратини такомиллаштиришда янги муваффақиятлар тилайди! (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Совет халқи қирқ йил ичида қаттиқ курашиб ва ғалабалар қозониб, эришган муваффақиятлари билан чексиз хурсанд бўлиш ва фахрланиш билан бирга уни келажакнинг улуғвор истиқболлари ҳам руҳлантирмоқда ва илҳомлантирмоқда.

Коммунизм эндиликда биз учун узоқ мўлжаллаги орзув эмас, балки яқин вақтда рўёбга чиқадиган реаллик бўлиб қолди, партия ва халқнинг бевосита амалий мақсади бўлиб қолди. Ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг фидокорона меҳнати туфайли коммунизм кун сайин, соат сайин ривож топмоқда. Бизда битмас-туганмас табиий бойликлар, қудратли социалистик индустрия, юксак даражада машиналашган қишлоқ хўжалиги ҳамда экономика ва маданиятнинг ҳамма тармоқлари учун малакали кадрлар бор. Булар жуда қисқа вақт ичида коммунизмнинг қудратли моддий техника базасини вужудга келтиришга, СССРнинг асосий-иқтисодий вазифасини — аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш тўғрисида КПСС XX съезди қўйган вазифани бажаришга имкон беради.

Ўзининг эртаги кунига астойдил ишонган, улуғ мақсад билан руҳланган мамлакатимиз халқлари ҳозирги вақтда Улуғ Октябрнинг бундан қирқ йил муқаддам ёндирилган сўнмас машъали тағин ҳам порлаб ёниши учун сидқидил билан меҳнат қилмоқдалар! (Қарсаклар).

Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси

Ўртоқлар! Коммунистик партиянинг ленинча тўғри миллий сиёсати Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини ва Совет ҳокимиятининг мустаҳкамланишини белгилаб берган энг муҳим шартларнинг бири бўлди.

Партиямиз марксизм-ленинизмнинг интернационал программаси байроғи остидагина барча миллатларнинг ишчи ва деҳқонларини ишчилар синфи бошчилигида мустаҳкам иттифоқ қилиб уюштира олди, уларни капитализмни штурм қилишга бошлаб боришга, революция ғалабасини таъминлашга ва социалистик жамиятни муваффақият билан қуришга муяссар бўлди.

Совет миллий республикалари барпо қилинганлиги ва уларнинг гуллаб-яшнагаплиги, улар ўртасида мустаҳкам иқтисодий ва маданий муносабатлар ўрнатилганлиги, пролетар интернационализми ва халқларнинг бузилмас дўстлигидан иборат мустаҳкам негиз асосида кўпмиллатли социалистик давлат барпо қилинганлиги ва бу давлат мустаҳкамланганлиги Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг тантанаси бўлди.

Совет давлати халқларнинг тенг ҳуқуқлилигини эълон қилибгина қолмади, энг муҳими шуки, совет давлати шу билан бирга халқларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланишидаги ўтмишда бўлган тенгсизлигини амалда тугатишни таъминлади.

Чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкаларидаги халқлар социалистик қурилиш давомида, Партия ва Ҳукуматнинг кун сайин бериб турган амалий ёрдами натижасида хўжаликнинг капитализмгача бўлган формаларидан ижтимоий ҳаётнинг социалистик формаларига ўтдилар ва шу тариқа олға томон мисли кўрилмаган даражада жуда катта қадам ташладилар.

Буни ҳар бир совет иттифоқчи ёки автоном республикасининг мисолида, жумладан, бизнинг Ўзбекистонимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзининг кўп асрлик тарихига ва маданиятига эга бўлган, қадим замонларда ва ўрта асрда жаҳонга талантли мутафаккирларни етиштириб берган, бундан икки-уч минг йил муқаддам мураккаб ирригация иншоотларини моҳирлик билан қурган ўзбек халқи ижтимоий ривожланишнинг феодализм даврида қўйилган ғовлари сабабли жаҳолатда ва нодонликда қолиб кетди, ўзининг миллий давлатидан маҳрум қилинди.

Жуда катта табиий бойликлари бўлган, пахтачиликнинг ватани бўлиб келган Ўзбекистоннинг ўз саноати йўқ эди. Ўзбекистон техника, иқтисодий жиҳатдан жуда орқада қолиб кетган эди, унинг аҳолиси ёппасига деярлик саводсиз эди. Унумдор ерлар ва сув манбалари бойлар, руҳонийлар ҳамда полиш чиновникларининг қўлида эди. деҳқонлар эса қашшоқликда ва очликда яшар эдилар.

Мамлакатимиздаги ҳамма халқлар сингари Ўзбек халқи учун ҳам шу нарса жуда катта қувонч ва бахт бўлдики, Улуғ Октябрь Ўзининг ҳаётбахш нурлари билан Ўзбек халқига барқ уриб ривожланиш ва миллий тикланиш йўлини ёритиб берди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Совет Шарқининг эндиликда йирик саноат марказларидан бири бўлиб қолди, мамлакатнинг асосий пахта базаси, илғор фан ва маданият республикаси бўлиб қолди.

Республикамиз Ўзининг қудратли энергетика базасига, машинасозлик, химия, кўмир, нефть, металлургия, қурилиш, енгил саноатларига ва озиқ-овқат саноатига эгадир. Саноатнинг ялпи маҳсулоти 1924 йилдагига нисбатан 50 баравар кўпайди. Республика саноат маҳсулотининг умумий ҳажми эса бу йил 24 миллиард сўмни ташкил қилади.

Саноат тараққиётининг даражаси ва малакали кадрларнинг борлиги Ўзбекистонда тўртта иқтисодий маъмурий район тузишга имкон берди.

Республикада Чирчиқ, Оҳангарон, Олмалиқ, Беговот, Ленинск, Янгийўл, Янгиер сингари янги социалистик шаҳарлар вужудга келди. Ўзбекистон ССРнинг пойтахти Тошкент эса йирик илмий, маданий марказга, саноат маркази ва сиёсий марказга айланди.

Совет идеологияси бўлган миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, халқларнинг дўстлиги идеологияси Совет Иттифоқидаги барча миллатларнинг меҳнаткашлари оммасини умумхалқ манфаатларини юксак даражада англайдиган кишилар қилиб тарбиялади. Ҳар бир республика ва область умуминтифоқ меҳнат тақсимотида Ўзининг муайян ўрнига эга бўлиб, мамлакатдаги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга, коммунизмнинг моддий техника базасини барпо қилишга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбек халқи шу билан фахрланадики, Совет давлатининг халқ хўжалигини юксалтиришда пахта ва бошқа техника экинлар

Ўртоқ Н. А. МУҲИТДИНОВ докладининг давоми

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Республикада етти йиллик умумий мажбурий таълим амалга оширилди ва умумий ўрта таълимга ўтилмоқда. Ҳозирги вақтда 5.800 умумий таълим мактабларида 1 миллион 300 мингдан кўпроқ бола ўқимоқда.

Республиканинг илмий-текшириш муассасаларида ва олий ўқув юртларида олти ярим мингга яқин илмий ходим ишламоқда ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида 165 минг малакали мутахассис шуғулланмоқда. 32 та олий ўқув юртида ва 102 та техникумда ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида 130 мингдан кўпроқ киши ўқитилмоқда.

Олий таълимнинг ривожланиши жиҳатидан Совет Ўзбекистони чет эллардаги кўп мамлакатларни анча орқада қолдириб кетди. Республикамизда ҳар ўн минг кишидан юзтадан кўпроғи олий таълим олмоқда. Демак, бизда олий таълим олувчилар Франциядагига қараганда икки баравар кўп, Туркиядагига қараганда етти баравар кўп ва Эрондагига қараганда йигирма саккиз баравар кўпдир.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Ядро физикаси институти ва бошқа ўнлаб илмий-текшириш муассасалари ўзбек халкининг бебаҳо маданий бойлигидир. Ўзбекистон олимлари Ватанимиз ва жаҳон фанининг тараққиётига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Кейинги йилларда Тошкентда Ўзбекистон зиёлиларининг биринчи съезди, шарқшуносларнинг Бутуниттифоқ биринчи конференцияси, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари тарихига бағишланган илмий сессия, русча бўлмаган мактабларда рус тилини ва она тилини ўқитишни яхшилаш масалаларига бағишланган республикалараро илмий конференция, матбуот, радио ва телевидение ходимларининг республика съезди, ўлка медицинаси масалаларига бағишланган бирлашган илмий сессия, ўсимлик моддаларининг химиясига бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси ўтказилди ва яқинда пахта экадиган кўпгина мамлакатларнинг вакиллари иштироки билан пахтачиликка бағишланиб Бутуниттифоқ бирлашган илмий сессия ўтказилди. Бу конференциялар, илмий сессиялар ва съездлар фан ва маданиятни янада ривожлантиришда катта роль ўйнади.

1958 йилда ҳам республиканинг маданий ҳаётида катта воқеалар рўй беради. Москвада ўзбек адабиёти ва санъатининг учинчи декадаси ўтказилади. Тошкентда Осиё мамлакатлари ёзувчиларининг иккинчи конференцияси чақирилади. Бу конференцияга Шарқнинг ҳамма мамлакатларидан вакиллар келиши кутилади.

1958 йилнинг иккинчи ярмида Туркистоннинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамиятига бағишланган республикалараро илмий конференция ўтказилмоқчи.

Соғлиқни сақлашнинг ривожланганлиги Ўзбекистондаги маданий революциянинг энг катта муваффақиятларидан биридир. Революциядан олдин ўзбек халқи врач ва касалхона нималигини билмас эди, ҳар хил табиблар ва дуохонлар одамларни «даволаш» билан шуғулланар эдилар. Масалан, Фарғона водисида 50 минг кишига, Қорақалпоғистонда эса 250 минг кишига атиги битта врач тўғри келар эди.

Ҳозирги вақтда республикада 9 мингга яқин врач ишламоқда. Ҳар бир минг кишига тўғри келадиган медицина ходимлари жиҳатидан Ўзбекистон Эрон ва Туркия сингари Шарқ мамлакатлари у ёқда турсин, ҳатто Англия, Франция, Япония, Португалия, Бельгия сингари мамлакатлардан ҳам ўзиб кетди.

Революцияга қадар ўзбек хотин-қизлари жамиятнинг бутунлай ҳуқуқсиз ва камситилган аъзолари ҳисобланар эдилар. Совет ҳокимияти хотин-қизларни актив жамоат ва давлат ишларига жалб қилди, уларни коммунистик қурилиш ишига тортди. Ҳозирги вақтда республикада хотин-қизлар орасидан етишиб чиққан 27 минглан кўпроқ ўқитувчи, 5 минг врач, 14 та фан доктори ва 400 та фан кандидати ишламоқда, партия ва совет раҳбарлик ишида ишлаётган хотин-қизлар 600 дан ошиб кетди.

Ўзбекистонда яшаб турган халқларнинг яхлит аҳил оиласида жонажон қардошимиз қорақалпоқ халқи ҳам жаҳоншумул тарихий ғалабаларга эришди. Қорақалпоғистон автоном совет республикасида саноатнинг кўпгина тармоқлари барпо қилинди ва муваффақиятли равишда ривожланмоқда. Пахта етиштириш йилдан-йилга тобора кенгайиб бормоқда, жамоат чорвачилиги ўсмоқда. Қорақалпоқ халқи ўз маданиятини ривожлантиришда жуда катта ютуқларга эришди. Бу йил Тошкентда ўтказилган Қорақалпоқ санъати ва адабиёти декадаси бу муваффақиятларнинг ёрқин далили бўлди.

Ўзбек халқи билан асрлардан бери қардошларча дўст бўлиб келаётган қорақалпоқ халқига ўз автоном республикасини анча гуллатиб-яшнатиш учун курашда янги муваффақиятлар тилаймиз! (Қарсаклар).

Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет давлатининг қирқ йиллик юбилейини халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида эришилган янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Республика саноати ўн ойлик программани муваффақиятли бажариб, пландан ташқари 800 миллион сўмлик маҳсулот берди.

Капитал қурилиш ишлари анча уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Капитал қурилишга 1957 йилнинг ўн ойи ичида 2 миллиард 400 миллион сўм, яъни ўтган йилдагига қараганда 600 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Уй-жой қурилиши айниқса муваффақиятли бормоқда. Бу йил планда мўлжалланган 1 миллион 728 минг квадрат метр уй-жой ўрнига 2,5 миллион квадрат метр уй-жой биноси қурилиб, фойдаланиш учун топширилади.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қоракўл, пилла, жун, сут, гўшт, тухум, луб экинлари ҳосили, галла ва сабзавот тайёрлаш йиллик планларини муддатидан олдин бажардилар.

Қашқадарё ва Сурхондарё областлари, 19 район, 178 колхоз, 11 совхоз пахтакорлари пахта тайёрлаш давлат планларини шараф билан бажариб, давлатга пахта топшириш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини адо қилиш учун қурашмоқдалар. Андижон, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР ўз планларини бажариш арафасида турибдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари номидан, Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашлари номидан социалистик мусобақа ғолибларини қизғин қутлашга, уларга янги муваффақиятлар тилашга ва улар ўз сўзларининг ҳеч шубҳасиз устидан чиқиб, пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажарадилар деб ишонч билдиришга ижозат берингиз! (Қарсаклар).

Республикада пахта тайёрлаш давлат плани 80 процент бажарилди. Планни тўла бажармоқ учун далаларда етарлиқдан ҳам ортиқроқ пахта бор. Энди ҳамма гап бизнинг уюшқоқлик билан ишлашимизга ва сидқидил билан меҳнат қилишимизга боғлиқ бўлиб қолди. Шундай ишлайлиқки, қора совуқлар бошланғунча ва қор ёққунча далаларга пахтанинг ҳаммасини батамом териб олайлик.

Об-ҳаво маълумотларига қараганда, 18-20 ноябрларда ёғингарчилик бўлиши кутилади. Бинобарин, планнинг тақдирини, етиштирилган ҳосилни батамом териб олишни қолган 15 кун ҳал қилади. Шу сабабли далада қолган ҳосилнинг ҳаммасини қаттиқ совуқ бошлангунча териб олишимиз керак. Ҳозирги вақтда биз учун бундан кўра муҳимроқ ва умумхалқ давлат аҳамиятига эга вазифа бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси ва республика ҳукумати шу нарсага қатъий аминдирларки, партия, совет активлари, шаҳар ва районларнинг меҳнаткашлари, шоли етиштиришимиз, совхозлар ва МТСларнинг ишчилари, колхозчилар вужудга келган бу вазиятни ҳисобга олиб, мана шу тантанали кунда, яъни Октябрнинг 40 йиллиги кунида ўз зиммаларига қўшимча мажбуриятлар оладилар, шу давр ичида далаларда жон қуйдириб ишламоқ учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлайдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўтган йилда бўлгани сингари бу йил ҳам ўз сўзларининг устидан чиқадилар ва пахта тайёрлаш давлат планини ҳеч сўзсиз бажарадилар, бунга ҳеч кимда шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. (Қарсаклар).

Ўзларининг виждонан ва ҳалол меҳнатлари билан халқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган ажойиб кишиларимизнинг — республика саноати ва қурилишлардаги новаторларнинг, мўл ҳосил усталарининг, ишлаб чиқаришдаги таланти ташкилотчиларнинг эришган ғалабаларини мана шу қувончли кунда тилга олиб, уларга таҳсин ўқиймиз. Булар Ўзбекистон экономикаси ва маданиятини юксалтириш учун курашда етишиб чиққан шонли кишилардир.

Ўзбекистоннинг қиз ва ўғилларидан 75 мингдан кўпроқ киши орден ва медаллар билан мукофотланди. Энг яхшиларнинг яхшиси бўлган 505 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди. «Полярная Звезда» колхозининг раиси Ўртоқ Ким Пен Хва икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони олишга сазовор бўлди. Ҳаммамизнинг ҳурматимизга сазовор бўлган, мамлакатда биринчи бўлиб уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган Фахрий академик Ҳамроқул Турсунқулов бизнинг орамизда Ўсиб етишди ва тарбияланди. (Қарсаклар).

Илғорлар ва новаторларнинг сафлари кўпайсин, уларнинг тажрибалари халқ орасига кенг ёйилсин! Колхоз ва совхоз далаларининг қаҳрамонларига шон-шарафлар бўлсин! (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Босиб ўтган йўлимизга якунлар ясаш билан бирга улуғ Ленининг социалистик революциямизнинг ҳар йилги байрамини ўтказишнинг энг яхши усули — ҳал этилмаган вазифаларга эътиборни жалб қилишдан иборатдир, деган васиятини эсда тутишимиз лозим.

Ҳали бизнинг ҳал қилинмаган бунақа вазифаларимиз жуда кўп. Гарчи капитал қурилиш ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бораётган бўлса ҳам, лекин капитал қурилиш республика халқ хўжалигининг энг қолоқ участкаси бўлиб келмоқда. Давлат томонидан берилаётган жуда катта маблағлардан тўла фойдаланилмай келинмоқда. Уй-жой қурилишида бирмунча силжиш бўлишига қарамай, шу нарсани афсусланиб айтишга тўғри келадики, уй-жой қурилишининг сифати ҳали ҳам қониқарли эмас. Партия, совет ва хўжалик органлари коммунал-маиший корхоналарнинг ишларини яхшилаш билан жуда кам шуғулланмоқдалар.

Бир қанча заводлар, фабрикалар ва қурилишлар ўзларининг ишлаб чиқариш планларини бажармаётирлар, катта моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланмаётирлар. Кам ҳосил олаётган колхозларимиз, совхозларимиз ҳали ҳам бор. Пахтачиликни комплекс механизациялаш, айниқса пахтани машинада териш проблемаси ҳали ҳам батамом ҳал қилингани йўқ.

Республиканинг партия ва совет органлари, Халқ хўжалиги кенгашлари мана шу қолоқ участкаларни илдамлатишга ўзларининг асосий эътиборларини беришлари лозим. Шунингдек шаҳарларни, район марказларини обод қилиш, уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, аҳолига маданий, моддий-маиший хизмат кўрсатиш даражасини ошириш масалалари билан яқиндан шуғулланиш зарур.

КПСС XX съезднинг қарорларини бажариш соҳасида Ўзбекистон олдида катта вазифалар турибди. Бу қарорларда партиямизнинг миллий республикалар экономикасини ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган йўли алоҳида куч билан ўқтириб ўтилди.

Ҳозирги вақтда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қарорига мувофиқ СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган перспектив планлари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг деярлик ҳамма тармоқларига раҳбарлик қилиш жойларга кўчирилганлиги сабабли перспектив планни ишлаб чиқишда барча Халқ хўжалик кенгашлари, министрликлар, ҳамма ташкилотлар, илмий муассасалар, мутахассислар ва олимлар, корхоналарнинг ва қурилишларнинг коллективлари иштирок қилишлари лозим.

Ўзбекистонда рангли металлургияни, энергетикани, кўмир, нефть саноатини, айниқса газ, химия саноатларини ва бинокорлик материаллари саноатини зўр куч билан юксалтирмоқ учун ғоят катта имкониятлар бор.

Биз ишни яхши ташкил этсак, яқин 10-15 йил ичида шунга эришса оламизки, бунинг натижасида республика нодир ва рангли металларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида Совет Иттифоқи республикалари орасида етакчи ўринни эгаллайдиган бўлиб қолади.

Биз энергетикани янада ривожлантириш соҳасида кўп ишлар қилишимиз керак. Ўзбекистонда электр қуввати ишлаб чиқариш кўпайтирилиб, 1970 йилда 17 миллиард киловатт соатга етказилиши лозим. Яқин йиллар ичида 600 минг киловатт қувватга эга бўлган ва ёқилғи билан ишлайдиган энг катта Оҳангарон электростанцияси ишга туширилади. Бу электростанциянинг биринчи навбатдаги қисми шу кунларда ишга туширилди. Бундан ташқари Чорвоқ, Хўжакент ва Ғазалкент электростанцияларидан иборат Ўрта Чирчиқ гидроэлектростанциялари каскадини қуриш мўлжалланмоқда. Ўрта Осиёда энг катта электростанция бўлган Чоткол гидроэлектростанциясини қуриш учун яқин вақт ичида катта тайёргарлик ишлари бошлаб юборилади. Фарғона водисида, Самарқанд, Бухоро областларида ва Қорақалпоғистон АССРда яна бир неча электростанция ишга туширилади. Республикада туташ энергетика системаси вужудга келтириш ва шу муносабат билан Ўрта Осиёнинг қардош республикаларини энергетика системалари билан боғлаш сингари муҳим проблема ҳал қилинаётган бўлсада, ўн ойлик ишлаб чиқариш планини бажармаётган ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тормоз бўлаётган ўнлаб корхоналар ва ташкилотлар ҳали ҳам бор.

Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ишлаб чиқариш воситаларининг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, ишлаб чиқаришнин

Тошкент. 7 ноябрь. Суратда: В. И. Ленин номли Қизил Майдонда Меҳнат кашларнинг байрам намойиши.

В. Салов фотоси.

Ўртоқ Н. А. МУҲИТДИНОВ докладининг охири

(БОШИ ИККИНЧИ, УЧИНЧИ БЕТЛАРДА).

Ўртоқлар! Маълумки, капиталистик ишлаб чиқариш усули XVI асрда вужудга келган бўлса ҳам, лекин капитализм фақат XIX асрдагина жаҳон хўжалик системаси бўлиб қолган эди. Демак, капитализмнинг вужудга келиши билан унинг жаҳон системасига айланишига қадар орадан 300 йил вақт ўтди!

Социалистик ишлаб чиқариш усули 1917 йилда вужудга келди ва салкам 30 йил ичида социализм жаҳон системасига айланди.

Кўриб турибсизки, орадаги, яъни 300 йил ва 30 йил ўртасидаги тафавут жуда катта! Бу рад қилиб бўлмайдиган факт шуни яққол исбот қиладики, келажак социализм ва коммунизмникидир.

Улуғ Ленин 1920 йилдаёқ бундай деб ёзган эди: «Буржуазия қутураберсин, ақлдан озиш даражасига етиб газабланаберсин, ҳаддидан ошаберсин, ҳаммоқиклар қилаберсин,... буржуазия шундай қилса, тарих ҳалокатга маҳкум қилган синфлар каби иш қилган бўлади. Келажак ҳар ҳолда коммунистларники эканлигини коммунистлар билишлари лозим, шу сабабли биз буюк революцион курашда буюк эҳтирос кўрсатиш билан бирга, буржуазиянинг беҳад қутуриб ўзини минг ёққа уришларини совуққонлик ва ҳушёрлик билан ҳисобга олабиламиз ва олишимиз лозим». (Асарлар, 31 том, 91 бет).

Улуғ Совет Иттифоқи бошчилигидаги бутун социалистик лагернинг қатъий ва мустаҳкам тинчлик сиёсати империалистик давлатларнинг авантюристик сиёсатига қарамақарши бўлиб турибди.

Совет кишилари янги уруш хавфига қарши кураш байроғини, тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун кураш байроғини баланд кўтарган бир вақтда, империалистик реакцион доиралар халқаро кескинликни юмшатишга эмас, балки Сурияда бўлганидек халқаро кескинликни кучайтиришга интилаётганликларини ҳисобга олмасликлари мумкин эмас. Бу ҳол бизнинг халқимиздан ҳамиша ҳушёр бўлиб туришни, социалистик давлатнинг мудофаа қувватини мустаҳкамлаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилишни талаб этади.

Октябрь революциясининг жаҳоншумул тарихий иши Совет Иттифоқининг, халқ демократияси мамлакатларининг муваффақиятларида, қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг фаолиятларида, капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг ва меҳнаткашлар оммасининг курашида, мустамлакалардаги мазлум халқларнинг миллий-озодлик курашида, бутун социализм ва демократия лагерининг курашида яшамоқда, енгмоқда ва узил-кесил ғалаба қозонади, марксизм-ленинизмнинг ўлмас улуғ таълимоти бутун дунёда тантана қилади. **(Қарсаклар).**

Айрим шахсларнинг, хилма-хил оппортунистлар ва айнимачиларнинг мамлакатимизни Ленин йўлидан бориштга уриниб, ўзларининг асосий зарбаларини аввало партияга қаратишга, шу тариқа партиянинг ролини ва обрўйини пасайтиришга, партия сафларининг бирлигини бузишга интилганликлари сингари ҳоллар партиямиз тарихида, Совет давлати тарихида неча марталаб рўй берган. Лекин ҳеч ким бу мақсадига ўтмишда ҳам эриша олган эмас ва бундан кейин ҳам эриша олмайди!

Партиямизнинг жипслиги, монолитлиги, унинг раҳбарлик ва етакчилик роли совет халқи ғалабалари асосларининг, мамлакатимизнинг коммунизм йўлида муваффақиятли ривожланиб боришини таъминлаган асосларнинг асосидир.

Шунинг учун ҳам партия ва бутун совет халқи партия обрўсига, партия сафларининг бирлигига чанг солмоқчи бўлганларнинг ҳаммасини ҳамиша шарманда қилиб, уларни қаттиқ жазолаб келмоқдалар. Троцкийчиларга, зиновьевчиларга, бухаринчиларга, буржуа миллатчиларга қарши кураш даврида шундай қилинган эди. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида тор-мор келтирилган, партияга қарши бўлган группа қатнашчиларига нисбатан шундай қилинди, Жуковга нисбатан ҳам шундай қилинди, ҳамиша ҳам шундай қилина беради!

Партия ва халқ ленинизмдан, партиядан чекинган ҳар бир кишини, халқ ва мамлакат манфаатларини унутиб кўйган ҳар бир кишини, хизматларига ва жамиятда тутган мавқеига қарамай, қаттиқ жазолайдилар.

Коммунистик партия олдимизга қўйган ва қўяётган вазифаларнинг муваффақиятли равишда бажарилиб келганлиги шуни яққол кўрсатадики, партиянинг ҳамма шиорлари ва ташаббуслари, ҳамма қарорлари мамлакатимиздаги ишчилар синфининг, деҳқонларнинг ва зиёлиларнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Совет халқи ўз жонажон партиясининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлайди ва тўла равишда маъқуллайди. Совет халқи ўз сафларини партиянинг ленинча Марказий Комитети теварагида тағин ҳам зич қилиб бирлаштиради! **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Бугун бутун партиямиз, бутун совет халқи, бутун ер юзидаги оддий кишилар энг азиз ва ҳаммага энг яқин номни — жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, Коммунистик партиянинг асосчиси, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ташкилотчиси, илҳомчиси бўлган, жаҳонда биринчи Совет давлатини барпо қилган Владимир Ильич Ленин номини ҳамма тилларда ва шеваларда эўр муҳаббат билан тилга оладилар. **(Қарсаклар).**

Пролетариатда бўлган улуғ ва қаҳрамонлик хислатларининг ҳаммаси—доҳиёна қудратли ақл, темирдай букилмас ирода, қулликка ва зулмга нисбатан отаким нафрат, революцион эҳтирос, жуда катта ташкилотчилик таланти Ленинда гавдаланди.

В. И. Ленининг жуда улуғ хизмати шундан иборатки, у Коммунистик партияни мафкуравий, ташкилий, тактикавий ва назарий жиҳатдан тайёрлашни таъминлади, социалистик революцияни тайёрлаш ва ўтказишга ҳамда кўп миллатли Совет давлатини барпо этишга шахсан ўзи раҳбарлик қилди.

Мамлакатимиздаги бошқа ҳамма халқлар сингари ўзбек халқининг ҳам барча ғалабаларида, ўзбек халқининг эркин, ижодий ҳаётда эришган бутун бахтида ўлмас Ленин идеяларининг нури яркираб турибди. **(Қарсаклар).**

Қадрдонимиз Владимир Ильич Ленининг номи ҳар бир ўзбекнинг қалбида, Ўзбекистондаги ҳар бир меҳнаткашнинг қалбида абадий яшайди ва уларни социалистик Ватанимизнинг кучини ҳамда қудратини янада мустаҳкамлаш учун янгидан-янги ғалабаларга эришишга илҳомлантира беради. **(Қарсаклар).**

Улуғ Ленин, барча миллатлар ва халқларнинг қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳамиша гапириб келди, халқларнинг мустаҳкам дўстлиги кўпмиллатли Совет давлатининг ҳаракатлантирувчи асосий кучларидан бири эканлигини, коммунистик жамият қуришдаги муваффақиятларнинг гарови эканлигини ҳамиша уқтириб келди.

Ўзбек халқи ўз турмушининг тажрибаларида халқларнинг Октябрь туфайли вужудга келган дўстлиги ва қардошлиги нақадар муъжизали куч эканлигини кўриб бунга астойдил ишонди.

Ўзбекистонда руслар билан ўзбеклар, украинлар билан қозоқлар, тожиклар билан туркманлар, қирғизлар билан арманлар, бошқирдлар билан чувошлар, яҳудийлар билан татарлар ва бошқа кўп миллатларнинг намояндалари қўлни-қўлга бериб, битта ягона оила бўлиб яшамоқдалар ва ишламоқдалар.

Ўзбекистонда Коммунистик партия раҳбарлигида эришилган нарсаларнинг ҳаммаси республикамиз территориясида яшаётган ҳамма меҳнаткашлар зўр бериб ва фидокорона ишлаётганлигининг натижасидир.

Шу тантанали соатда биз КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтамизки, бу қардошларча дўстликни бундан буён ҳам Улуғ Октябрнинг ўзимиз учун энг қадрли ғалабаси деб билиб, кўз қорачиғидай сақлаймиз. **(Қарсаклар).**

Улуғ Ленин бизга таълим бериб айтган эдики, мамлакат халқ хўжалиги ягона план асосида олиб борилган тақдирдагина, маҳаллий ташаббус тўла равишда ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб ривожлантирилган тақдирдагина, ҳар қайси область ва ўлканинг табиий, иқтисодий ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда қатъий меҳнат тақсимоти ўтказилиб турган тақдирдагина халқ хўжалигида анча катта ва мустаҳкам муваффақиятларга эришиш мумкин.

Партиямиз хўжалик қурилишида мана шу ленинча принципни оғишмай амалга ошириб келганлиги ажойиб натижалар берди.

Биз республиканинг экономикаси ва маданиятини юксалтириш билан бирга Совет давлатининг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашишга қўшишимиз лозим бўлган ҳисса учун зиммамиздаги масъулиятни жуда яхши биламиз.

Шу тантанали соатда КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтамизки, Ўзбекистон меҳнаткашлари республиканинг экономикасини ва маданиятини янада юқори кўтармоқ, пахтачиликни ва хўжаликнинг бошқа тармоқларини тағин ҳам кенг миқёсда юксалтиришни таъминлаб, совет халқи олдида, севикли социалистик Ватанимиз олдида ўзларининг ватанпарварлик бурчларини охиригача шараф билан бажармоқ учун бундан буён ҳам бутун куч ва ғайратларини аямай ишлай берадилар. **(Қарсаклар).**

Улуғ Ленин коммунистлар партияси тўғрисида гапириб, бутун дунёга ёйилган ва асло ўзгармайдиган қуйидаги сўзларни айтган эди: «Биз партияга ишонамиз, биз партияни даврининг ақли, номуси ва виждони деб биламиз». Бизнинг партиямиз ўзининг бирлиги, ўюшқоқлиги, ўз сафларининг монолитлиги, марксизм-ленинизмга чексиз содиқлиги, халқ манфаатларига виждонан ва фидокорона хизмат қилиб келаётганлиги билан ўз ҳоҳиси ва асосчисининг мана шу юксак баҳосига сазовор бўлди.

КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси 1924 йилдаги 26 минг 400 кишидан ўсиб, ҳозирги вақтда 170 минг кишига етди. Ўзбекистон Компартияси миллатчиларга ва оппортунистларга қарши курашларда, ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириш учун курашларда, меҳнаткашларни пролетар интернационализмга ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялаб мустаҳкамланди ва ғоявий жиҳатдан чиниқди.

Биз КПСС Марказий Комитетини, бутун совет халқини ишонтириб айтамизки, ленинчи Марказий Комитет теварагида зич бўлиб жипслашган Ўзбекистон Коммунистик партияси бундан буён ҳам марксизм-ленинизмнинг ғолиб байроғига ҳамиша чексиз содиқ бўлиб қолади, партиямиз бош йўлини амалга ошириш учун курашиб келди ва бундан буён ҳам курашади, отамиз ва устозимиз ўлмас Ленининг ҳамма васиятларини амалга ошириш учун республика меҳнаткашларининг олиб бораётган курашига бошчилик қилиб келди ва бундан буён ҳам бошчилик қилади. **(Қарсаклар).**

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллиги! **(Қарсаклар).**

Яшасин коммунизм қураётган қаҳрамон Совет халқи! **(Қарсаклар).**

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизмнинг тўла ғалабаси сари, олга! **(Гулдурос қарсаклар).**

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси—барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчисидир

Ўртоқлар! Улуғ Коммунистик партия жаҳонда биринчи социалистик давлат халқларининг бутун голибона йўли давомида йўлбошчиси, илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлиб келди ва бўлиб келмоқда.

Коммунистик партия меҳнаткашлар оммасининг барча энг яхши ва илғор намояндаларини, уларнинг энг дадил ва қаҳрамон, қўрқмас ва олижаноб қисмларини ўз сафларида бирлаштириб, жамиятни революцион тарзда ўзгартириш учун, эркинлик ва халқнинг бахтиёрлиги учун ярим асрдан кўпроқ кураш йўлини шон ва шараф билан босиб ўтди.

В. И. Ленин бундан 55 йил муқаддам ўзининг партиядош ўртоқларига мурожаат қилиб бундай деб ёзган эди: «Биз ҳамжиҳат бир тўда бўлиб, қўлма-қўл маҳкам ушлашиб, жарлик ва сермашаққат йўллардан кетаётирмиз. бизнинг атрофимизни душманлар ўраб олган ва ҳар доим деярлик душманлар ўқи остида олга боришга мажбурмиз». (Асарлар, 5 том, 328 бет).

Бундан эллик йил муқаддам бир неча ўн кишидан иборат бўлган, Октябрь революцияси арафасида атиги 240 минг киши бўлган маслакдош жангчиларнинг ҳамжиҳат тўдаси эндиликда ўз сафларида партиянинг 8 миллионга яқин аъзоси ва кандидатларини бирлаштирган кудратли сиёсий армияга айланди. **(Қарсаклар).**

Бизнинг Коммунистик партиямиз чор диспотизминнинг беҳад асорати, ўзбошимчалиги ва зулми шароитида беҳисоб қурбонлар бериб, шонли ғалабалар ва вақтинча мағлубиятлар орқали ўтиб, коммунистик Қизил Байроққа, марксизм-ленинизм таълимотига ўзининг чексиз содиқлигини, ўз халқига, халқаро ишчилар ҳаракатига, пролетар интернационализмининг муқаддас принципларига беғиҳоя садоқатли эканлигини буюк ишлари билан исбот қилди.

Партиямиз эришаётган ҳамма муваффақиятларнинг манбаи, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг, жаҳондаги соф виждонли ва илғор ҳамма кишиларнинг партиясига бўлган муҳаббати ва ҳурматининг манбаи мана шундадир. Бу ҳурмат ва муҳаббатни ҳеч ким ва ҳеч қачон бўшаштира олмайди.

Бу тантанали мажлисда кекса бўғинининг номзидлари, революцион ҳаракат ветеранлари, кекса большевиклар, Октябрь революциясининг ва Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун олиб борилган курашнинг актив қатнашчилари иштирок этмоқда.

Шу мажлисда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси номидан Октябрь революциясининг қатнашчиларига, кекса большевикларга, революцион ҳаракат ветераниларига сиҳат-саломатлик тилаб, уларни чин кўнгилдан табриклашга ва уларга янги муваффақиятлар тилашга ижозат беринг из! **(Қарсаклар).**

Партиянинг революцион назарияни турмуш, практиканинг ривожланиши натижасида туғилаётган янги вазифаларни ҳал этишга зўр маҳорат билан ижодий татбиқ қилиб келаётганлиги марксистик партиянинг қаётийлигини, кучини ва етуклигини кўрсатувчи белгидир.

КПСС XX съездининг қарорлари марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантиришнинг энг катта намуналаридан бири бўлди. Бу қарорлар фақат мамлакатимиздаги кенг халқ оммасидагина эмас, шу билан бирга ҳамма мамлакатлар ва қитъалардаги кенг халқ оммасила ҳам катта таассурот қолдирди. Партия XX съезди халқаро ҳаётнинг бирканча принципиал масалаларини, икки системанинг тинч-тотув яшаши масаласини, урушларнинг ҳозирги замонда олдини олиш мумкинлигини, социализмга ўтишнинг турлича формалари бўлиши мумкинлиги ва жаҳон социалистик системаларининг ривожланиши масалаларини янгича қилиб кўйди.

КПСС XX съезди шахсга сиғиниш оқибати натижасида бизнинг хўжалик ва сиёсий ишимизда вужудга келган ва ўз умрини тугатган барча догматик ақидаларни қатъиян парчалаб ташлаш, партиявий раҳбарликнинг ленинча нормаларини ва принципларини изчиллик билан тиклаш съезди бўлиб, кенг халқ оммасининг онгига кирди ва тарихда ҳам шундай съезд бўлиб қолади.

Партия ўтмишда йўл қўйилган хатоларни ва бузилишларни изчиллик ва қатъият билан тузатиб, кейинги уч-тўрт йил ичида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кенг равишда юксалтиришни таъминлайдиган катта тадбирларни амалга оширди.

Мамлакатда саноат ялпи маҳсулотини ишлаб чиқариш 1950 йилдан то 1953 йилга қадар 45 процент кўпайган бўлса, 1953 йилдан 1956 йилга қадар 60 процент кўпайди.

Бу йил партия саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил қилди. Бу тадбирнинг жуда катта ҳаётий аҳамияти бор.

Қишлоқ хўжалигидаги аҳвол жиддий равишда тузатиб олинди ва кейинги уч-тўрт йил ичида бу соҳада эришилган ўжда катта муваффақиятлар бутун дунёга маълумдир.

Партиямиз Марказий Комитети революцион қонунчиликни тиклаш, социалистик демократияни мустаҳкамлаш соҳасида катта ишлар қилди. Партия социалистик давлатнинг ҳамма звеноларида ролини ва активлигини оширишга, меҳнаткашларнинг барча оммавий ташкилотлари—Советлар, комсомол ва касаба союзларнинг коммунистик қурилишдаги ролини ва активлигини оширишга эришмоқда.

Улуғ Октябрь 40 йиллигининг Тошкентда байрам қилиниши

Олтин куз либосини кийган парклар, скверлар ва хиёбонлар кузнинг заррин қуёш нурида товланиб турибди. Ўзбекистон пойтахти сон-саноқсиз қизил байроқлар билан безатилган. Каттакон шаҳарнинг ҳамма томонида хушчақчақ қўшиқлар эшитилади. Тошкент кўчаларига улуғ байрам келди.

Тошкент меҳнаткашлари байрам арафасида радиоприёмниклар ва радио карнайлари ёнига тўпланишиб, СССР Олий Советининг юбилей сессиясида Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладини ва халқ демократияси қардош мамлакатлари раҳбарларининг нутқини тингладилар. СССР Олий Советининг Совет Иттифоқининг барча халқларига қарата чиқарган Мурожаати ва СССР Олий Советининг дунёдаги барча мамлакатларнинг меҳнаткашларига, сиёсий ва жамоат арбобларига, фан ва маданият вакилларига, парламентларга ва ҳукуматларга қарата қилган Мурожаатининг қаёжонли сўзлари ўзбек халқи томонидан қизғин кутиб олинди.

«Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги!», «Коммунистик партияга — шоншарафлар бўлсин!». «Марксизм-ленинизмнинг енгилмас байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида коммунизм ғалабаси сари, олга!» — транспарантларда, плакатларда, байроқларда ана шу Чақириқ сўзлари ёзиб қўйилган. Тошкент меҳнаткашлари Коммунистик партияга чексиз муҳаббат туйғулари билан, коммунизм учун курашга ўзларининг бутун куч-қувватларини сарфлашга тайёр эканликларини изҳор қилган ҳолда байрам намойишига чиқдилар.

Ленин майдони. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг биноси олдида Совет давлати буюк меъморининг ҳайкали турибди. Бинонинг олди томонида «40 йил» деган гоят катта рақам, Карл Маркс ва В. И. Ленин, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретлари қўйилган. Кузнинг майин шабадаси СССР ва ўн беш иттифоқчи республиканинг давлат байроқларини силкитиб турибди.

Трибунада М. А. Абдураззоқов, А. П. Бизов, Г. А. Габриельянц, С. К. Камолов, Р. Е. Мельников, М. З. Мирзаахмедов, Қ. Муртозоев, Н. А. Муҳитдинов, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, С. Н. Нуриддинов, А. Н. Рудин, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов ҳамда республика ва унинг пойтахти партия ва совет раҳбар ходимлари, Туркистон Ҳарбий Округининг генераллари ва офицерлари, Тошкент корхоналарининг донгдор кишилари, фан, маданият, адабиёт ва санъат арбоблари турибдилар. Октябрь революциясининг ветеранлари, граждан уруши ҳамда Туркистон ўлкасида Совет ҳокимиятини ўрнатишда қатнашган кишилар трибунада фахрий жойни эгаллайдилар.

Тошкент гарнизони қўшинларининг паради бошланади. Округ Қўмондони армия генерали А. А. Лучинский парад қўмондонининг рапортини қабул қилади ва майдонда саф тортиб турган қўшинларни айланиб чиқади. Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги муносабати билан айтилган табрик сўзига жавобан майдоннинг у бошидан бу бошигача «ура» садолари янграйди.

Қўшинларни айланиб чиқиш тугайди. Армия генерали А. А. Лучинский трибунага чиқади ва нутқ сўзлайди.

Ўртоқ Лучинский солдат ва сержантларга, офицер ва генералларга, Тошкент шаҳри ва бутун Совет Ўзбекистони меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни Ўзбекистон ССР ҳукумати ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан ва уларнинг топшириғи билан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги билан табриклайди ва қутлайди.

Қўмондон ўз нутқини Совет Ватани, Совет Қуролли Кучлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик сўзлари айтиш билан тугаллайди.

* * *

Қудратли «ура» овози. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнларининг улуғвор мелодияси, артиллерия салютининг гумбурлаган овози улуғ байрамнинг қудратли симфонияси бўлиб жаранглайди.

Тошкент гарнизонининг қўшинлари шаҳдам қадам ташлаб майдондан ўтадилар. Жанговар техника ўтмоқда. Ватан ўзининг шонли фарзандлари — Совет Армияси жангчиларини ана шу техника билан таъминлади. Бу юриш Улуғ Октябрь ғалабаларининг ишончли посбони бўлган халқ билан армиянинг мустаҳкам бирлигини гавдалантиради.

Парад тугаши биланоқ майдонга байрам намойишининг колонналари кириб келди. Яхши одатга кўра, байрам намойишини бошлаб бериш ҳуқуқи Тошкентнинг ёш гражданлари — мактаб ўқувчиларига берилган. Ёш намойишчилар Карл Маркс, Фридрих Энгельс, В. И. Ленининг, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретларини кўтариб бормоқдалар. «Бахтли болалигимиз учун Партия ва Ҳукуматга раҳмат!» деган сўзлар ёзилган транспарантлар баланд кўтарилган.

Майдон хилма-хил ранглар билан тўлади. Трибуналар ёнидан «Халқлар дўстлиги» колоннаси ўтиб бормоқда. Намойишчилар қардош совет республикалари халқларининг миллий кийимларини кийганлар. Карнайларнинг овози гармонларнинг овози билан алмашади, ўзбек қўшиғи украин мелодияси билан аралашиб кетади. Оркестрлар тўхтайди. Музика ўрнида колонналарда граждан уруши давридаги партизанлар қўшиғи янграб эшитилади. Бу қўшиқ ўтмишда руслар ва ўзбекларни, украинлар ва тожикларни, белорус ва туркманларни бир-бири билан жипслаштирган эди. Бугун ана шу қўшиқ Совет ҳокимиятини ўрнатиш йилларини эслатади.

Майдонга Ленин ва Октябрь районларининг меҳнаткашлари кириб келадилар. В. И. Ленининг байроқлар билан ўралган катта ҳайкали ўрнатилган машина аста-секин ўтиб бормоқда. У, броневикда тик турган ҳолда тасвирланган. Унинг қўли халққа мурожаат қилиб, юқори кўтарилган. Ҳайкалда Октябрь улуғ доҳисининг 1917 йилнинг апрелида Россияга келган кунида Петроградаги Финляндия вокзалида сўзлаб турган пайти тасвирланган. Унинг башорат қилиб айтган «Яшасин социалистик революция!» сўзлари магрур эшитилади. Бу революция коммунизм қураётган совет халқининг шонли ишларида яшайди. Ўзбекистон пойтахти барча районларининг колоннаси ана шу шонли ишлар ҳақида дарак беради.

Тошкент машинасозлик заводларининг коллективлари майдондан ўтиб борадилар. Колонналарнинг безалиши вараклаб очилган китобдаги сингари Совет Ўзбекистони индустрия қувватининг ўсиши тўғрисидаги қаяжонли ҳикояни эслатади. Трактор ва бошқа мураккаб қишлоқ хўжалик машиналари, экскаваторлар, кўтариш механизмлари мамлакат саноатининг турли тармоқлари учун ускуналар — мана шуларнинг ҳаммаси ҳозир бу ерда, бундан 40 йил муқаддам феодал тузумнинг содда қуроллари ҳукмрон бўлган жойда ишлаб чиқарилмоқда.

«Ташсельмаш» заводида тайёрланган тракторлар майдонга кириб келганида, трибунада турганлар уларни қарсак чалиб кутиб оладилар. «Ўзбексельмаш», «Таштекстельмаш», «Подъёмник», экскаватор, йўллар министрлиги машинасозлик заводининг ва бошқа корхоналарнинг ишчилари, инженерлари ва техниклари коллективлари ўзлари чиқараётган машиналарнинг макетларини кўтариб ўтадилар.

Колонналарда Ўзбекистонда олтинчи беш йилликда қурилган ва қурилаётган янги электростанциялар, заводлар, нефть конлари, шахталарни тасвирлаган гоят катта панноларни кўриш мумкин.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг колоннаси чиройли газламаларни намойиш килиб бормоқда.

Трибуналарда турганлар Октябрь революцияси номидаги Тошкент паровоз вагон-ремонт заводининг коллективини самимий табриклайдилар. Бу энг кекса корхонанинг ишчилари 1917 йилда Тошкентда биринчи бўлиб эски дунё кучларига қарши қўзғолоннинг ғолиб байроғини кўтардилар. Завод коллективининг сафларида ўз оталарининг шонли революцион традицияларини яхши сақлаётган ёшлар ветеранлар билан бир каторда бормоқдалар.

«Ташкентқабель» заводининг колоннаси устида ёркин рақамлар келтирилган транспарант кўтариб борилмоқда. Завод бир ўн йил мобайнида маҳсулот чиқариш ҳажмини беш мартадан ҳам ортиқ кўпайтирди. Кўп колонналарда саноат маҳсулоти кўпаяётганлигини яққол кўрсатувчи транспарантлар кўзга ташланади.

Байрам безаклари орасида очилиб турган катта пахта кўзга ташланиб туради. Бу пахта ўзбек халқининг миллий ифтихорини акс эттириб туради. Ўзбекистон далаларида хозирдаёқ иккию чорак миллион тонна пахта териб олинди ва республика пойтахти Улуғ Октябрнинг шодиёна 40 йиллиги кунида уч миллион тонна оқ олтин териб олиш ҳақидаги социалистик мажбуриятини бажариш учун курашаётган колхоз, совхоз ва МТС меҳнаткашларини самимий табрикламоқда.

Майдонга илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг колоннаси кириб келади. Уларнинг сафи ўтган бир йил ичида анча ўсди — Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси тузилди. Ядро физикаси институти ташкил этилди. кўп йигит ва қизлар янги очилган шарқшунослик институтида ўқий бошладилар. Нашриёт, театрлар, маданий-окартув муассасаларининг ходимлари рўй берган катта ишлардан фахрланган ҳолда намойишга чиқдилар. Республикала фан ва маданиятнинг тез юксалганлиги — Улуғ Октябрнинг Ўзбек халқига нималар берганлигини ёркин кўрсатувчи далилдир.

Кишилар тўлқини тобора ошмоқда. Оркестрлар садосини халқ қўшиклари мелодиялари алмаштиради. Намойишчиларнинг катторларида СССР халқларининг рақслари [illegible] билан ижро этиб бораётган жуда [illegible] раққослар бор.

Осмонга ҳаво шарлари ғижиллаб парвоз қилади. Улар тобора баландга кўтарилиб, зангор кенгликка Улуғ Октябрь шарафига қутлов сўзлари ёзилган плакатларни олиб чиқадилар. Намойишчилар уларнинг ҳавога кўтарилишини кузатиб турадилар ва ана шу дақиқаларда космоснинг қандайдир бир ерида совет одимлари томонидан орбитага чиқариб юборилган ва ўзларининг ажойиб юришларини давом эттираётган Ернинг икки сунъий йўлдоши ҳақида ўйлайсан киши.

Пойтахт физкультурачилари колоннаси майдондан намойишнинг охирида ўтадилар. Ана шу колонна катнашчилари томонидан ижро этилган спорт машқларида спорт маҳоратининг чўққиларини эгаллаш учун бўлган куч, ирода, янги ғалабалар қозонишга тайёрлик ифодаланди.

Намойиш тугади. Кишилар оқими Ўзбекистон пойтахтининг кўчалари, парклари ва скверлари томон ёйилади. Тошкентнинг ҳамма томонида кўшиклар янграйди. Шаҳар социалистик ҳаётнинг хушчақчақ ва ҳаётбахш байрамини — Улуғ Октябрнинг 40 йиллик байрамини нишонламоқда.

... Кош қорайди. Ўзбекистон пойтахтининг осмонида ранг-баранг нурлар яркиради. Тошкентнинг юзларча ва мингларча аҳолиси Улуғ Октябрь революциясининг 40 йиллиги шарафига берилган байрам салютининг гўзал манзарасини завк билан тамоша қилди. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1957 ЙИЛ 10 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
БЎСТОНЛИҚ	—	101,05
Оржоникидзе	1,00	84,96
Урта Чирчиқ	1,18	77,48
Пискент	1,14	76,83
Юқори Чирчиқ	1,05	76,17
Уртасарой	0,98	72,65
Сирдарё	0,88	71,60
Бекобод	1,02	71,41
Гулистон	1,02	70,69
Верхне-волинск	1,05	70,54
Янгийўл	0,94	69,41
Бўка	0,80	68,49
Мирзачўл	1,00	67,11
Оҳангарон	0,54	65,18
Оққўрғон	0,81	65,11
Октябрь	0,97	64,98
Чиноз	0,94	61,88
Калинин	1,45	59,87
Боёвут	0,66	57,44
Қуйи Чирчиқ	0,41	52,40

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Р. 05891. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурҳи» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1879.